

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ КУРАШДА  
ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ  
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_даги \_\_-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** т.фд., доцент Юлдашев А.Э.

**Тақризчилар:** Жанубий Корея Республикаси Конгук университети профессори, PhD Kim In Og

ЎзДСМИ профессори, с.ф.д.Бекмуродов М.Б.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кенгашининг 201\_\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_даги \_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

I.	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	4
II.	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	12
III.	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	17
IV.	<b>АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	52
V.	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	60
VI.	<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	65
VII.	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	66
VIII.	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	69

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларига келиб ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ва инсоният фаолиятининг хамма жабхаларига кириб кетиши дунёда янги глобал таҳдидлар - ахборот орқали содир этилаётган таҳдидларнинг, шулар қаторида мафкуравий таҳдидларнинг пайдо бўлишига олиб келганлиги хеч кимга сир эмас. Бунга исботан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маданият – енгилмас куч» номли китобида таъкидлаб ўтганидек, «*Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишига етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий кураидир*»<sup>1</sup>.

Ана шу таҳдидларнинг Ўзбекистон учун долзарблигини айтмасдан бўлмайди. Дархақиқат дунёда ядроий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларига эгалик қилиш, сиёсий ва диний радикализм, экстремизм, қурол ва одам савдоси, терроризм, оғуфурушлик, этник ҳамда миллатлараро зиддиятлар авж олаётган бир вазиятда ахборот технологиялари орқали вужудга келаётган таҳдидларга бежиз алоҳида эътибор қаратилмаяпти. Бунга нисбатан Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилнинг январ ойида Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида дунё аҳолисининг хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, «...*бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўtkazishни каби ҳалқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаи мутлақо мумкин эмас*», дея таъкидлаган фикрларини айтишимиз лозим<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича дунёда 20 га яқин давлатда ҳаракатлар давом этаётган бўлса, 120 дан ортиқ мамлакат ахборот урушлари ўтказишнинг ҳар хил йўлларини ўрганиш билан фаол шуғулланмоқда. Айниқса, ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари авж олса оляптики, асло пасаймаяпти. Ғанимларимиз томонидан бу борада турли усул ва услублардан фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона қадриятларни,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маданият – енгилмас куч. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. Б. 98-99.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. .....

шулар қатори “оммавий маданиятни” тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартериш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда. Дархақиқат биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, *“хозирги пайтда “оммавий маданият” никоби остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм гояларини тарқатиши, керак бўлса шунинг ҳисобидан бойлик орттириши, боиқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриялари, турмуши тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган маънавий таҳдиidlар одамларни ташвишга солмай қўймайди”*<sup>3</sup>.

Шу билан бир қаторда барчамизга маълумки, хозирги замон таълим тизимининг бош мақсадларидан бири юқори маданиятли, тизимли фикрлай оладиган, учраши мумкин бўлган мураккаб муаммоларни еча биладиган, мафкуравий иммунитети кучлми бўлган комил инсонни тарбиялаш тизимини яратишдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган холда, ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартериш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қароридаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишда интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил

---

<sup>3</sup> Каримов И.А....

таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари:**

**Ўрганишдан мақсад:** Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-мохиятини очиб бериш. Санъат соҳаси ходимлари онгида ушбу тахдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлиги тушунчаларининг мазмун-мохиятини очиб бериш;

“оммавий маданият” иборасининг мазмун-мохиятини, шакл, кўринишлари ва турларини аниқлашни ўрганиш;

маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлиги йўналишларида учраши мумкин бўлган тахдидларнинг мазмун-мохиятини, турларини очиб бериш;

ушбу тахдидларни аниқлашни ўрганиш;

тахдидларга қарши курашишнинг мохиятини очиб бериш;

мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил ва тизимли ёндашув асосларидан фойдаланишни ўрганиш;

ушбу йўналишда учраши мумкин бўлган мураккаб муаммолар бўйича қарор қабул қилишни ўрганиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

#### **Тингловчи:**

Санъат соҳаси ходимлари онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асосларидан фойдаланиш бўйича назарий билим ва амаллий кўникмаларга эга бўлиш;

маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги тушунчаларнинг мазмун-мохиятини англаш;

асли анъанавий маданият ва санъат қушандаси бўлган “оммавий маданият” деб аталувчи ғайримаданият бўйича билимларга эга бўлиш;

ушбу сохалардаги таҳдидлар, уларга нисбатан хавфсизлик моделлари ҳақидағи билимларга эга бўлиш;

Интернет манбааларидан фойдаланиш бўйича ва ундан ўқув мақсадларига мос хавфсиз ахборот манбааларидан фойдаланиш малакасини ошириш;

мураккаб муаммоларни хал қилишда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш **бўйича билим ва қўникмаларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли тахлили” модули бўйича дарслар маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли тахлили” модули мазмунни ўқув режадаги “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг «Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли тахлили” модули бўйича касбий тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш асосларини ўрганиш, уларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

<b>Т/р</b>	<b>Мавзулар номи</b>	<b>Жами</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Амалий машғулот</b>	<b>Мустақил иш</b>
1	Ахборот хавфсизлиги - маънавий ва мафкуравий хавфсизлик асоси.	2	2		
2	“Оммавий маданият” – анъанавий маданият кушандаси, миллий маданият ва санъат соҳамизга таҳдид сифатида.	2	2		
3	Бугунги глобаллашув шароитида ахборот соҳасида бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши санъат соҳаси ходимларининг онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари	2	2		
4	Ахборот хавфсизлигининг бугунги кундаги холати ва уни таъминлаш бўйича вазифалар	2		2	
5	Иллатни қадриятга айлантириш механизми (ёхуд Овертон ойнаси) нинг мазмун-моҳияти, ҳамда Ўзбекистон халқига таҳди迪.	2		2	
6	Маънавий ва мафкуравий таҳдидларни аниқлашда тизимли таҳлилнинг услугуб ва услугубиятидан фойдаланган холда қарор қабул қилиш.	4		2	2
<b>Жами</b>		<b>14</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Ахборот ҳавфсизлиги - маънавий ва мафкуравий ҳавфсизлик асоси.**

Муаммонинг долзарбилиги. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари.

Ахборот, ахборот ҳавфсизлиги: мазмун - мохияти, турлари.

Ахборот соҳасидаги таҳдидлар. Тушунчаси, мазмун-мохияти ва тавсифи.

Ахборот ҳавфсизлигининг бугунги қундаги холати.

Диний экстремизм ва терроризм – тушунчалари, таснифлари. Дунё ва Ўзбекистондаги холати. Диний экстремизм ва терроризм намоёндалари тарафидан бўлаётган тажоввуз ва таҳдидлар.

### **2-мавзу. Оммавий маданият” анъанавий маданият кушандаси, миллий маданият ва санъат соҳамизга таҳдид сифатида.**

Маънавий ва мафкуравий ҳавфсизлик тушунчалари мазмун-мохияти тавсифи. Санъат соҳаси ходимлари учун маънавий, мафкуравий ва ахборот ҳавфсизлигининг долзарбилиги.

Маънавий, мафкуравий таҳдидлар, уларнинг таснифи. “Оммавий (ёт, суб) маданият” тушунчаси, таснифи, турлари. “Оммавий маданият”нинг юртимиизга кириб келиши. Миллий маданият ва санъатимиз кушандаси - мафкуравий таҳдид сифатида.

Ўзбекистон ахолисини «оммавий маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилиш муаммолари.

### **3-мавзу. Глобаллашув шароитида ахборот соҳасида бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши санъат соҳаси ходимларининг онгига мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари**

Чет эл оммавий ахборот воситалари, халқаро интернет тармоғи, ижтимой тармоқларнинг мазмун-мохияти, улар орқали ахолимиз онгига бўлаётган таҳдидлар.

Глобаллашув шароитида ахборот соҳасида бўлаётган таҳдидларга қарши санъат соҳаси ходимлари онгига мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари.

Ўзбекистонда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз вақтида холис баҳо берадиган, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини сўзда хам амалда хам ҳимоя қила оладиган бўла олиш.

Интернетда ишлаш маданиятини ривожлантириш. Сохага каратилган қонунларимизни янада такомиллаштириш лозимлиги.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Ахборот ҳавфсизлигининг бугунги кундаги холати ва уни таъминлаш бўйича вазифалар**

Ахборот, унинг турлари. Инсонлар жамиятида ахборот роли. Қадимги тош асрида. XX аср охирига келиб ахборот технологияларнинг жиддий суратлар билан ривожланиши натижасида ахборот ресурсларини инсон фаолиятининг хамма жабхаларига кириб келиши.

Ахборот-психологик ҳавфсизлик, ахборот-психологик таъсир, шу қаторда негатив ахборот -психологик тасирлар ҳақида.

Замонавий шароитда одамларнинг онгига бўлаётган таъсирлар, уларнинг субъектлари.

Ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича бугунги кундаги холат ва уни таъминлаш бўйича вазифалар.

### **2-мавзу. Иллатни қадриятга айлантириш механизми (ёхуд Овертон ойнаси) нинг мазмун-моҳияти, ҳамда Ўзбекистон ҳалқига таҳди.**

Иллатни қадриятга айлантириш механизми, ёхуд “Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологияси.

Исталган нарсани, ҳаттоқи илгари ақл бовар қилмаган нарса ва ҳодисалар ёки иллатларни қонунийлаштириш ва, ҳаттоқи, бутун бошли миллатлар учун “қадрият” даражасига олиб чиқишига эришиш.

Ҳар қандай жамиятда мавжуд “имкониятлар ойнаси”. Бу “мияни тозалаш” эмас, бу жуда юқори самара билан ишловчи ва амалда ўз исботини топган аниқ сиёсий технология, минглаб ядрорий қуроллардан ҳам даҳшатли оқибатларга олиб келади.

### **3-мавзу. Маънавий ва мафкуравий таҳдидларни аниқлашда тизимли таҳлилнинг услуг ва услубиятидан фойдаланган холда қарор қабул қилиш.**

Маънавият, маърифат, маданият, ғоя, мафкура тушунчаларини тўғри англаб этиш ва уларга бўлиши мумкин бўлган таҳдид ва тажаввузларни таҳлил қилишда тизимли таҳлилнинг “тушунчалар таҳлили”, “SWOT”, “ФСМУ” ва “Инсерт” услубларидан фойдаланиш.

Ечим харакатни аниқлаши керак. Ечим муаммонинг терминларида акс этиши ва муаммодан олинган бўлиши лозим. Ечим ўзи йўналтирилган муаммога даража ёки меъёрлари бўйича яқинлашиши лозим. Ечим ўз хажмига кўра муаммога пропорционал бўлиши керак ва муаммодан кўра камроқ мураккабликка эга бўлиши лозим. Қисман ечим тўла ечим билан келишган

бўлиши лозим. Ҳар бир қисман ёки тўла ечим учун ҳаётийлик ва афзаллик текширувини ўтказиш лозимдир.

Тахлил натижаси бўйича тўғри қарор қабул қилишни ўрганиш. Қарор қабул қилишдан аввал, қарорнинг муаммога муносабатини аниқлаш. Қарорнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташқил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

### **Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:**

маъruzalар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

баҳс ва мунозаралар (loyihalar ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Ассесмент тестларини ечиш, Мустақил иш бажариш	2.5	Ассесмент – 1.5 балл Мустақил иш – 1.0 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «АҚЛИЙ ҲУЖУМ»

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникумаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гурухга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи колективдаги психологик вазиятёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлгани ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил,

танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат килади.



**Намуна:** Масалан 1-маъруза дарсида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “SWOT-тахлил” методи асосида, кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва тўсиқлари (салбий таъсир этувчи омиллари) тахлил қилинади.

### “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниqlаш</li> </ul>

<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқ:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).
- фикрингизни тақдимот қилинг.

**Намуна:** кейс учун топшириқ. “Мен сезяпманки, сиз ўтаётган “тизимли таҳлил” ва “қарор қабул қилиш” модулидаги дарсларнинг менга фойдаси тегмаяпти. Шунинг учун дарсларингизга умуман келгим келмаяпти –деди тингловчи ўқитувчига. Сизнинг жавобингиз қандай бўлади? Ушбу топшириқ бўйича кейс лойихаси тузилиб, гурухларда бажарилади.

### “Инсерт” методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изох керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Намуна** сифатида 2-маъруза материаллари тингловчилар томонидан Инсерт методи аксосида таҳлил қилиб чиқилади (ўқитувчи назорати остида). **“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви

ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассеcментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна:** Тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларида олган билим даражаларини ўрганиш, ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мақсадида машғулотлар сўнгига ассеcмент методини қўллаб, аввалдан тайёрланган тестлар ёрдамида текширув ўтказилади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу. Ахборот ҳавфсизлиги - маънавий ва мағкуравий ҳавфсизлик асоси.**

**Режа:**

**1. Муаммонинг долзарбилиги.** Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари.

**2. Ахборот, ахборот ҳавфсизлиги:** мазмун - мохияти, турлари. Ахборот соҳасидаги таҳдидлар - тушунчаси, мазмун-мохияти ва тавсифи.

**3. Диний экстремизм ва терроризм тарафидан бўлаётган тажоввуз ва таҳдидлар.**

**4. Санъат соҳаси ходимлари учун маънавий, мағкуравий ва ахборот ҳавфсизлигининг долзарбилиги.**

**Калит иборалар:** *ахборот, оммавий ахборот, чекланган ахборот, ахборот ҳавфсизлиги, ахборот соҳасидаги таҳдидлар, санъат соҳаси, онг, тафаккур, фикр, гоя, мафкура, диний экстремизм, тероризм, халқаро терроризм.*

**1. Муаммонинг долзарбилиги.** Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари.

XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларига келиб ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ва инсоният фаолиятининг ҳамма жабхаларига кириб кетиши дунёда янги глобал таҳдидлар қаторида ахборот соҳасидаги таҳдидларнинг пайдо бўлишига олиб келганлиги хеч кимга сир эмас. Бунга исботан айтишимиз мумкинки, 1999 йил декабрь ойида қабул қилинган БМТ бош ассамблеясининг қарорида ахборот ҳавсизлиги соҳасидаги таҳдидлар XXI асрнинг глобал муаммоларидан бири бўлади деб таъкидланганлиги.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маданият – енгилмас куч» номли китобида таъкидлаб ўтганидек, «*Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта ҳавф – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мағкуравий курашидир*»<sup>4</sup>.

Ана шу таҳдидларнинг Ўзбекистон учун долзарбилигини айтмасдан бўлмайди. Чунки бугун юртимизда бошқарув, иқтисод, мудофаа, илм-фан, ОАВ – ҳамма-ҳаммаси ахборот алмашишнинг тезлигидан, тўғрилигидан, кенглигидан, ўз вақтидалигидан, ахборот инфраструктурасининг ҳолатидан

<sup>4</sup> Каримов И.А. Юксак маданият – енгилмас куч. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. Б. 98-99.

келиб чиқади. Дархақиқат дунёда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларига эгалик қилиш, сиёсий ва диний радикализм, экстремизм, қурол ва одам савдоси, терроризм, оғуфурушлик, этник ҳамда миллатлараро зиддиятлар авж олаётган бир вазиятда ахборот технологиялари орқали вужудга келаётган таҳдидларга бежиз алоҳида эътибор қаратилмаяпти. Бунга нисбатан Президентимизнинг ўтган йилнинг январ ойида Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида дунё аҳолисининг хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, «...*буғунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби ҳалқаро хавфсизликка нисбатан илгари қўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарили баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаши мутлақо мумкин эмас.*», дея таъкидлаган фикрларини айтишимиз лозим.

Буғунги замон глобаллашуви жараёнида кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади, деган ибора бежиз пайдо бўлгани йўқ. Дархақиқат, ҳозирги кунда ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича дунёда 20 га яқин давлатда ҳаракатлар давом этаётган бўлса, 120 дан ортиқ мамлакати ахборот урушлари ўтказишнинг ҳар хил йўлларини ўрганиш билан фаол шуғулланмоқда. Айниқса, ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари авж олса оляптики, асло пасаймаяпти. Фанимларимиз томонидан бу борада турли усул ва услублардан фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона қадриятларни тарғиб этиш, ҳалқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда.

Шу билан бир қаторда барчамизга маълумки, ҳозирги замон таълим тизимининг бош мақсадларидан бири юқори маданиятли, тизимли фикрлай оладиган, учраши мумкин бўлган мураккаб муаммоларни еча биладиган, мафкуравий иммунитетга эга комил инсонни тарбиялаш тизимини яратишdir.

Замонавий педагог бугун катта хажмдаги маълумотларни таҳлил қила олиши, ўзининг педагогик қарорларини асослаб бера олиши, ўз тажриба ва билимларига асосланган ҳолда тизимли фикрлаш ва тизимли прогнозлаштириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

### **Ўрганишдан мақсад:**

Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳиятини очиб бериш.

Санъат сохаси ходимлари онгида ушбу тахдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

маънавий, мафкуравий ва ахборот ҳавфсизлиги тушунчаларининг мазмун-мохиятини очиб бериш;

маънавий, мафкуравий ва ахборот ҳавфсизлиги йўналишларида учраши мумкин бўлган тахдидларнинг мазмун-мохиятини, турларини ўрганиш;

ушбу тахдидларни аниқлашни ўрганиш;

тахдидларга қарши курашишда муаммонинг мохиятини очиб беришни ўрганиш;

мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилишдан фойдаланиш.

учраши мумкин бўлган муаммолар буйича қарор қабул қилишни ўрганиш.

### **2. Ахборот, ахборот ҳавфсизлиги: мазмун - мохияти, турлари.**

Инсонлар жамиятида ахборот доим жуда катта рол ўйнаган. Хатто ўша қадимги тош асирида хам. XX аср охирига келиб ахборот технологияларнинг жиддий суратлар билан ривожланиши ахборот ресурсларини инсон фаолиятининг хамма жабхаларига кириб келишини таъминлади.

**Умуман олганда ахборот жамиятининг ривожланиши 4 босқичдан иборат:**

**1-босқич.** *Хат, ёки ёзма маълумотнинг пайдо бўлиши.*

**2-босқич.** *Босма (печатный) ускунанинг ўйлаб топилиши.*

**3-босқич.** *Электр энергиясининг ўйлаб топилиши.*

**4-босқич.** *Шахсий компьютерларнинг ўйлаб топилиши<sup>5</sup>.*

**Олимлар орасида бир назария бор. Унга қўра цивилизация бу - ахборот дейилади:**

1. “0” – бир одам онгида йигилган маълумот  $-10^7$  бит.
2. “1” – бир, қишилоқ, қабила одамлари орасида малумот алмашуви-  $10^9$  бит.
3. “2” – ёзув пайдо бўлгандан кейинги маълумотлар йигиндиси  $-10^{11}$  бит.
4. “3” – китоблар пайдо бўлгандан кейинги ахборотлар йигиндиси  $-10^{17}$  бит.

---

<sup>5</sup> Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -p.98.

5. “4” - компьютерлар кашф этилгандан кейинги ахборотлар йиғиндиси -  $10^{25}$  бит.

### **Бунга исботан бир статистик мисол келтирсак.**

1950-1970 йиллар дунёда йиғилган билимлар хажми хар 10 йилда икки маротаба ўсан бўлса;

1970- 1990 йиллар хар беш йилда икки баробар ошган;

1990- 2000 йиллари дунёдаги билимлар хажми хар 2-3 йилда ўсан;

2000-2010 йиллар – йилига 2-3 баробар;

Хозир эса йилига бир неча 10 баробар ошмоқда.

*АҚШ ва Европа иттифоқидаги давлатларнинг ахборотлаштириши соҳасига кетган маблағи хақида айтадиган бўлсак, АҚШ да 1975-1990 йиллар ахборотлаштириш соҳасига 2,5 триллион доллар ёки ялпи махсулотнинг 8 %, кейинги 10 йилликда ялпи махсулотнинг – 12 %, 2000-2010 йиллар эса бу ракам 20 % етган. Худди шундай Европа иттифоқи давлатларининг 2000-2010 йиллари ахборотлаштириш соҳасига кетказган маблағи ялпи махсулотнинг 40 % ташкил қилган.*

Ахборот ҳавфсизлиги иборасини асосий ташкил этувчи элемент бу ахборот. Хўш, ахборотнинг ўзи нима. Ўзбекистон Республикаси қонуниятига асосан ахборот – бу кимдан, қандай шаклда олинишидан қатъий назар шахслар, предметлар, холат ва воқеалар хақидаги маълумотдир.

Ахборот ёзма ва оғзаки, очиқ ва ёпик, чекланган ва чекланмаган бўлиши мумкин.

### ***Ахборот соҳасидаги таҳдидлар. Тушунчаси, мазмун-моҳияти ва тавсифи.***

Энди ахборот ҳавсизлиги соҳасидаги таҳдидлар хақида тўхтасак.

Умуман олганда **таҳдид** – бу бирор бир объектга негатив таъсир кўрсатиши, ёки путир етказиши мумкин бўлган омилдир. **Ахборот ҳавсизлиги соҳасидаги таҳдидлар** деганда - шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларига негатив таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар йиғиндиси тушунилади.

Улар ўз қаторида **тўрт турга** бўлинади.

**Биринчиси.** Фуқароларнинг ахборот олиш, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги конституциявий хуқуқлари ва эркинликларига бўлган таҳдидлар (*мисол*).

**Иккинчиси.** Ўзбекистон халқига ва халқаро ҳамжамиятга давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўғри ва объектив етказиб беришга, мамлакатдаги ва дунёдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан ҳукumatнинг расмий муносабатини фуқароларга очиқ ва равшан қилиб ёритиб беришни таъминлашга бўлган таҳдидлар (*мисол*).

**Учинчиси.** Замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, миллий ахборот индустрияси, жумладан ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа индустриясини шакллантириш ва такомиллаштириш, ушбу маҳсулотлар билан ички ахборот бозорини таъминлаш ва жаҳон ахборот бозорига чиқишга қаратилган таҳдидлар (*мисол*).

**Ва тўртинчиси.** Ахборот ресурсларига, шунингдек давлат сирлари ва бошқа конфиденциал маълумотлар, Ўзбекистон Республикасида яратилган ёки ишга туширилган, туширилиши мўлжалланаётган ахборот ва телекоммуникация тизимларига бўлган таҳдидлар<sup>6</sup> (*мисол*).

### **Маълумки, юкорида айтилган таҳдидлар келиб-чиқиши манбаларига кўра, ташқи ва ички таҳдидларга бўлинади.**

#### **Ташқи таҳдидларга:**

–айрим давлатлар раҳбарлари, сиёсий кучларнинг Ўзбекистонга қарши, Ўзбекистон президентига, хукуматига, халқимизга қарши қаратилган сиёсати;

–айрим давлатлар маҳсус хизматлари томонидан Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳаракатлар;

–чет элларда жойлашган террорчилик диний-экстремистик, сиёсий шулар ичida ўзини “мухолифатчи” ёки “шахс ҳукуқларини ҳимоя қилувчи” деб аталувчи ташкилотларнинг Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳаракатлар киради.

#### **Ички таҳдидларга эса:**

–Давлатимизда ахборот хавфлиги соҳасига концептуал қонунлар ва қонун ости хужжатларнинг етишмовчилиги;

–Ахборот хавфисизлиги таъминлашга қаратилган ягона тизимнинг ишлаб чиқарилмаганлиги;

–Шу соҳада мутахассисларнинг етишмовчилиги ва бошқалар киради.

### **3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш.**

Маълумки, дин ҳамиша инсонларни яхшиликка, эзгу мақсадларга чорлаган. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганлариdek, ислом дини бу ота – боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатdir. Шу боис кейинги даврда мусулмонларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан устакорлик билан фойдаланиб, диний экстремистлар ва террорчилар томонидан ислом байроғи остида амалга оширилаётган жиноятлар уларнинг ҳақиқий қиёфасини намоён этмоқда. Экстремистлар ва террористларнинг ғайри инсоний ва ғайри диний ҳаракатлари бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний

<sup>6</sup> Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. –512 с.

қадриятларни уларниинг сохта ва ўта ғаразли талқинларидан кескин фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундаиди.

Шунингдек, бир томондан терроризмнинг бугунги кунда ўта хавфли сиёсий ҳодисага айланиб бораётганлиги, иккинчи томондан эса унинг диний экстремизм билан чирмашиб кетиш жараёнинг кучайиши, унга қарши курашнинг ягона, янги тизимини шакллантиришни тақазо қилмоқда.

Диний экстремизм ва халқаро терроризмни бартараф қилиш амалиётида “Ўзбекистон омили”нинг ўрни, жумладан биринчи Президентимиз И.Каримовнинг халқаро миқёсда ўтказилган анжуманларда, МДҲ давлатлари рахарларининг олий даражадаги саммитларида, Марказий Осиё давлатларининг Душанбе ва Бишкек учрашувларидағи ташаббускорлиги омил сифатида муҳим аҳамиятни қасб этганлиги, Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 2000 йил 15-декабрда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” Конун қабул қилинганлигининг аҳамияти каттадир.

Ўйлаймизки, мамлакатимизда ижтимоий–сиёсий барқарорликни, хавфсизликни таъминлашда ва мутаассиб ғояларга қарши фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда дин соҳасидаги чукур илмий-лиқка, демократик тамойилларга асосланган давлат сиёсатининг кенг қамровли роли янада кучайиб боради. Шубҳасиз бу жараён халқимизнинг келажакка бўлган ишончини, эътиқодини, ўзи танлаб олган демократик тараққиёт йўлида ташлаётган ҳар бир қадамини мустаҳкамлашга самарали таъсир этади.

Модомики, жаҳонда жумладан, Марказий Осиёдаги халқларнинг мустақиллиги, эркинлиги урф-одатлари ва бойликларига таҳдид соладиган ва ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган ғайри инсоний кучлар мавжуд экан, бугунги кунда вояга етаётган фарзандларимиз-ёшларни кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Биринчи юртбошимиз Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарларида таъкидлаганлариdek, «Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгода мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур».

### ***Терроризм тушунчаси: мақсади, услублари ва унга қарши курашнинг зарурлиги***

Дарҳақиқат, бугунги кунда юзага келаётган таҳликали вазиятни, айниқса диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига солаётган

таҳдидини тўғри баҳоланмаслик ва уларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини тўғри ва ўз вақтида англаб етмаслик катта заарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масаласи бутун инсониятнинг олдида турган стратегик вазифалардан бирига айланди. Террористик ҳаракатга қарши самарали кураш олиб боришдан олдин бу реакцион халқаро кучнинг ўзига хос жиҳатларини яхши билиб олишимиз ўта муҳимdir.

Терроризм тушунчаси. Терроризм лотинчада “teror” сўзидан олинган бўлиб бекарорликни келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларига ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. Террорчилик ҳаракатлари даврлар ўтиши билан, бугунги кунга келиб, бутун башариятнинг муаммосига айланди. Террорчилик ҳаракатлари кўп йиллар давомида турли жойларда аҳолининг онгини заҳарлаш орқали ҳокимиятни қўлга киритишга уриниб келган.

“Терроризм-бу сиёсий кураш методларидан бири бўлиб, чекланмаган, ҳарбий ҳаракатлар билан алоқадор бўлмаган ўз мақсадларига жисмоний зўравонлик орқали эришишга қаратилган ҳаракатдир”. Масалан: давлат раҳбарини, сиёсий лидерни, ҳарбий ва оддий фуқароларни, автобус ва самолётларни олиб кетиш, гаровда тутиш каби ҳолатлар Д.Кеннеди, И.Ганди, Р.Ганди, У.Пальме каби арбобларга қилинган кўплаб суиқасдлар. Терроризмда ягона кўриниш йўқ. У хилма-хил шакл ва кўринишларда олиб борилади. Масалан: давлат, муқобил, консерватив ёки инқилобий, диний, миллий. Терроризмнинг тарихий ва ҳозирги замон кўринишлари ўртасида катта тафоввуд мавжуд. Терроризм биринчи навбатда сиёсий курашнинг “террорчилик” теракт шаклини қўллашга ҳаракат қиласди.

### ***Террорчилик ҳаракатига хос ҳусусиятлар:***

- Террорчиларнинг “Зўрлик” давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади” деган ғояга асосланиб ҳаракат қилиши; Ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайнин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилиши;
- Унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларга эмас, балки муайян шаклдаги хуруж натижасида одамлар орасида хавотирли шов-шувга эришиши. Террорчилик ҳаракатларининг олиб борилиши услублари даврлар ўтиши билан ўзгариб келмоқда. Маълумки, террорчилик ҳаракати тарихининг илдизлари милоддан аввалги биринчи минг йиллик даврига бориб тақалади. Қадимги Рим, Қадимги Юнонистон давлатларида ҳокимиятни қўлга олиш

мақсадида турли шаклларда террорчилик хуружлари бўлиб турган. Даврлар ўтиши билан экстремистлар ва террорчиларнинг давлат тўнтаришини амалга ошириш, жамиятда бекарорликни келтириб чиқариш йўлида қўллаган услублари ҳам ўзгариб турган. Бугунги кундаги террорчилик услублари анча кенгайиб бораётганлиги билан характерланади.

### ***Ҳозирги замон террорчилик ҳаракатига хос ҳусусиятлар:***

- Агар 1970 йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ такрорланган бўлса, ҳозирги кунда жамоат жойларда, ўқув юртлари, меҳмонхона, самолёт, автобус, поездларда портлашларни амалга ошириш орқали кўплаб гуноҳсиз одамларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган қўпорувчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича бундай ғайри инсоний ҳаракатлар аввало қурбон бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилганлиги маълум бўлмоқда.
- ОАВларининг террорчиларни ўз мақсадларига эришишларида асосий қуролга айланиб бораётганлиги.
- Террорчилик ҳаракат жараёнларининг ОАВ орқали кенг ёритилиши ва омма онгида хавотирли акс-садо беришга интилишининг кучайтирилиши.
- Жамиятда овоза бўлишга интилиш, одамларда қўрқув ҳиссини ўйғотиш билан террористлар ўз мақсадига эришмоқчи бўлишади.
- Одамларни гаровга олишнинг ҳам моҳиятдан ўзгариб бораётганлиги.  
(Авваллари гаровга олишдан мақсад пул ундириш бўлган бўлса, эндиликда мамлакатда бекарорликни келтириб чиқариш орқали сиёсий мақсадларга эришишни кўзлаши).

Маълумки, ҳар қандай сиёсий ташкилот муайян мақсадни стратегик вазифа сифатида белгилаб олади ва амалиётда турли тактикаларни қўллаб мақсад сари ҳаракат қиласи. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашмоқ учун энг аввало уларнинг мақсадлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш ўринлидир.

Агар ўтмишда теракт (террорчилик) айрим мартабали йўл бошчиларни, давлат раҳбарларини йўқотишга қаратилган бўлса, ҳозирги даврдаги терактнинг обьекти бирмунча кенгайиб бораётганлиги қуидаги ҳолатлардан билиб олиш мумкин:

—ҳозирги замон тараққиёти учун, инсоният учун хавфли бўлган ҳаракатларнинг энг даҳшатлиси бу ҳалқаро терроризмнинг амалдаги ҳаракатидир.

—хозирги даврда сиёсий терроризм билан уюшган жиноятчилик ўртасида яқинлашиш, бирлашиш ҳолатлари мавжуд, лекин улар ўртасида фарқ бор.

—террористлар ҳаракати жамиятни бузишга, давлат тузимини ағдаришга қаратилган бўлса, уюшган жиноятчилар эса жамият тинчини бузишга, давлатни қўпоришга ҳаракат қиласалар. Демак, террористлар жамият сиёсий тизимини издан чиқаришга ўз зарбасини қаратсалар, жиноятчилар-ўз чўнтагини тўлдиришга қаратади.

***Хозирги даврда жаҳондаги терроризмнинг вужудга келиши ва мавжудлигининг шарт-шароитлари ва сабабларини қўйидаги учта гурӯҳга бўлиб ўрганиши мақсадга мувофиқ:***

Биринчи гурӯҳ: Ривожланган мамлекатларда иқтисодий, ижтимоий, соҳаларда тангликнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолат.

Иккинчи гурӯҳ: Жаҳонда инқилобий жараёнларнинг кучайиши, ишчилар ва демократик ҳаракатларнинг глобаллашуви билан боғлиқ ҳолат.

Учинчи гурӯҳ: Раҳбар ва бошқарувдаги элитанинг терроризмга давлатнинг ички ва ташқи сиёсатлари қуроли сифатида қарашларининг мавжудлиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар.

Бугунги кунда дунёдаги барча террористларни асосан икки жихат қизиқтириб келмоқда, яъни беҳисоб пул ва ҳокимиятга интилиш.

#### ***Терроризмнинг бугунги ҳолатига хос белгилар:***

- Терроризмнинг диний экстремизм билан чирмашиб кетиши жараёнининг кучайиши.
- Террорчиларнинг ўз иш фаолиятини минтақавий, умум сайёравий даражада мувофиқлаштириш имкониятини кўлга босқичма-босқич киритаётганлиги.
- Терроризмнинг ўта хавфли халқаро сиёсий ҳодисага айланиб бораётганлиги.

Бугун инсоният террорчиларнинг халқаро миқёсида уюшиб, бирлашиб бораётганлигидан ташвишга тушмоқда. Юқорида қайд этилган умум сайёравий фалокатдан Ўзбекисон ҳам батамом кафолатланганича йўқ.

#### ***Халқаро терроризм ҳаракатларининг белгилари, молиявий манбалари, намоён бўлиши шакллари ва йўналишилари***

Халқаро терроризм XX асрнинг иккинчи ярмига келиб халқаро сиёсий ташкилот сифатида шаклланди. Халқаро терроризм тушунчалик давлатлар,

халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилған сиёсий қўпорувчилик фаолиятини ифодалайди.

### ***Халқаро террорчилик ҳаракатларнинг асосий белгилари:***

- Халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги обьект ва субъектларга қарши қаратилгани;
- Мустақил давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши;
- Аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан ёлланма шахслар бўлган экстремистик гурухлар томонидан содир этилиши;
- Экстремистик гурухлар таркибида қўпорувчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;
- Экстремистик гурух аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши;
- Тайёргарлик кўришда ва қўпорувчиликни содир этиши хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан фойдаланишида халқаро террорчилик хуружи эканлиги;
- Террористик ташкилотларнинг даромад орттиришда ҳар қандай тубанникка бориб, босқинчилик ва ёвуз ишларини амалга ошириши.

Террористик ташкилотлар даромад орттириш мақсадида ҳар қандай тубанникка бориб босқинчилик, бегуноҳ одамларни гаровга олиш каби амалларни қўллашади. Масалан: 1999 йилда Қирғизистонга бостириб кирган, ўзини “Исломий ҳаракати” деб атаган ташкилот жангарилари гаровга олинганларни 50.000 (эллик минг) доллар ҳисобига қўйиб юборишиган. 2003 йил 27 марта “Шарқий Туркистон озодлик ташкилоти”га мансуб террорчилар Қирғизистонда 19 нафар хитойлик савдогарларни ўлдириб, уларнинг катта микдордаги пулини ўзлаштирганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, трансмиллий жиноий гурухлар гиёхванд моддалар савдосидан йилига 400 миллиард доллар даромад олади. Ушбу маблағнинг бир қисми террорчилик гурухлар ихтиёрига ўтказилади. Айрим маълумотларга кўра ҳомий давлатлар, диний, хайрия ташкилотлар, шунингдек алоҳида шахс ҳамда яқин Шарқ ва Фарб давлатларидағи айрим ижтимоий гурухлар томонидан йиғинадиган пуллар террорчи гурухларнинг ташқи молиявий манбаи ҳисобланади.

Бугунги кунда фаолият юритаётган қарийб 150 та ноҳукумат исломий ташкилотлари жангарилик амалиётларини молиялаштиришда иштирок этмоқда десак хато бўлмайди. Террорчи гурухларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам қўламини биргина МДҲ таркибидаги мамлакатлар ҳудудида фаолият юритувчи террорчи ташкилотлари 60 га яқин диний ташкилотлар, 100 га яқин хорижий компаниялар ва кўплаб банклар ҳомийлик қилиб келмоқдалар.

Шунингдек, ўзини “Ўзбекистон исломий ҳаракати” деб аталувчи ташкилот ҳам қатор ҳомийлар томонидан қўллаб қувватланади. Масалан, уларга “ал-Қойида”, “мусулмон биродарлар”, “хизбуллоҳ”, “ҳамас” каби террорчи гурухлар ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар.

*Хозирги даврда террористик ҳаракатлар айrim нодавлат террористик ташкилотлардан фарқли ўлароқ айrim давлатлар томонидан ўзга давлатларга нисбатан ҳам уюштирилиши мумкин.*

**Улар ўртасида фарқ қуидагилардан иборат:**

- Давлат терроризми давлат ҳокимияти органлари орқали амалга оширилади.
- Муқобилчилар терроризми зўравонликни чеклаш тартибига қарши гурухлар томонидан амалга оширилади.

Давлат терроризми қандай шароитда халқаро характерга эга бўлиши мумкин? Агар давлат терроризми муайян хорижий давлат чегарасига ўтиб борилса бундай теракт халқаро характерга эга бўлади.

Агар давлат, нодавлат террористик ташкилот халқаро майдонга чиқиб борса транснационал (трансмиллий) терроризм дейилади.

Ўнг йўналиши фашизмнинг моҳиятига яқин бўлиб, инсониятни камситувчи ультра террор. Унинг асосчиси — Адольф Гитлер.

Сўл йўналишдаги террорчилик ҳаракати инқилобий — демократик, миллий-озодлик ҳаракатларига қарши қўйилган.

XXI аср бошида жамият барқарорлиги, хавфсизлигига таҳдидлар мажмуасида мафкуравий таҳдиднинг таркибий қисмига айланган диний экстремизм бош омил сифатида ўзини намоён этмоқда.

Демак, экстремистлар ва террористлар учун тўкилган қон ва нопок сиёсатга қоришган пул, халқаро қотилларни ёллаш каби ғаразли мақсадларнинг амалга оширишнинг воситаларидан бирига айланиб бормоқда.

*Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари.*

“Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, — деб таъкидлаган эди биринчи президентимиз Ислом Каримов, — шу худудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда. Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни минтақамизга ёйишга уринаётганлиги шундан далолат беради”.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак диний экстремизм ва халқаро терроризм бугунги кунда бири мафкуравий тазиик бўлса, иккинчиси мафкура ва сиёсий мўлжалларни рўёбга чиқариш, амалга оширишнинг шакли ҳамда воситаси сифатида бир-бирини тўлдирмоқда. Юртбошимиз башарият осойишталигига хавф солиб турган халқаро терроризмнинг ўта хавфли халқаро сиёсий ҳодисага айланиб бораётганлиги тўғрисида тўхталиб: “Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди” деб таъкидлаган эди. Биз яшаб турган минтақада фаолият юритишга интилган экстремистик уюшмалардан бири 1990-1992 йилларда Наманган вилоятида “Адолат” ҳаракати фаоллари ҳуқуқ тартибот идоралари вазифаларини ўз зиммасига олишга ҳаракат қилдилар, шариат қоидаларига асосланган ҳолда кишиларни гуноҳкор деб эълон қилиш орқали турли жазоларни қўллашга уринганлар. Фаразли мақсадлари ойдинлашгандан кейин бу уюшма 1992 йилнинг апрель ойининг охирида тугатилди. “Ўзбекистон ислом ҳаракати” 1996 йил ташкил топган бўлиб, унинг таркибига 1992-1993 йилларда қатор тугатилган диний-экстремистик ташкилотларнинг собиқ фаоллари кирган, бу ташкилот (ЎИҲ), Бирлашган Тожик мухолифати (БТМ) тарафида туриб фуқаролар урушида иштирок этган. Жаҳоннинг қатор мамлакатларида ЎИҲ расмий равишда террорчилик ташкилоти деб тан олинган. Жумладан, ЎИҲ АҚШ давлат департаменти томонидан тайёрланган ва Конгресс тасдиқлаган хорижий террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилган. Россия Федерацияси Олий суди ва Бош прокуратураси ҳам ўзининг 2003 йил 14-февралдаги қарори билан ЎИҲни террорчилик ташкилоти сифатида эътироф этган.

2001 йилда терроризмга қарши иттилоғнинг Афғонистонда жойлашган жангавор амалиётлари натижасида “Ўзбекистон ислом ҳаракати”нинг асосий кучлари ва базалари йўқ қилинди. Гарчанд диний экстремизмнинг Афғонистондаги ўчоқлари асосан тугатилган бўлсада, хафвнинг ҳамон сақланиб қолганлиги, шунингдек бизга қўшни бўлган давлатларда ўз “уяларини” яратиш йўлидаги интилишлар (ҳаракат) Марказий Осиё минтақасида, жумладан Ўзбекистонда таҳдиднинг юзага келишига сабаб бўлмоқда десак хато бўлмайди. Мамлакатимиздаги мавжуд барқарорлик ва хавфсизликка қарши қилинаётган таҳдидларнинг сабаблари биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” номли асарида атрофлича асослаб берилган.

Ўзбекистоннинг барча фуқаролари диний экстремистик ва террористик ташкилотлар томонидан тинч ҳаётимизнинг омили бўлган хавфсизликка

солинаётган таҳдиднинг юзага келиши сабаблари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

### ***Хўши, диний экстремизм ва фундаментализм тушунчалари нимани англатади.***

«Экстремизм» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик”маъносини англатади. Олимлар “экстремизм” иборасини сиёсий атама деб қарайдилар. Бу атаманинг сиёсат билан боғлиқ жиҳатлари шундаки, норасмий экстремистик ташкилотлар раҳбарлари сиёсий масалалар юзасидан “кескин, қатъий чоралар кўриш йўли билан”, яъни куч ишлатиш, зўрлик билан давлатлардаги расмий ҳокимиятни ўзгартиришни ўз олдига максад қилиб қўйганлигидадир. Уларнинг норасмий дейилишига сабаб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Сиёсий партиялар”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар” ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги амалдаги қонун талабларига кўра расман Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтмаганлигидадир.

Диний экстремизм – кенг маънони англатади. Экстремистлар барча динларда, масалан, буддизм, христианлик, исломдаги норасмий оқимларда учраб туради.

Диний экстремизм кескин чораларни қўллашга, баъзан зўравонлик ҳаракатларини содир этишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гурӯҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш обьекти сифатида танлаб олиниши мумкин.

Ислом экстремизми — исломнинг қадимги ғоялари ва идеалларини қайта тиклашни куч ишлатиш йўли билан амалга оширишга қаратилган диний-сиёсий ҳаракат. Бундай ҳаракат диний мутаассибликка асосланган бўлиб, муайян мазҳаб таълимотига қаттиқ ёпишиб олиш оқибатида юзага келади ва кўпинча муайян сиёсат ва иқтисодий манфаатларни таъминлаш максадида амалга оширилади.

Ислом экстремизмининг ақидасига кўра, биринчидан, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва “жоҳилия” асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукumat ва унинг олиб бораётган сиёсатини кескин танқид этиш учун “асос” бўлиб хизмат қиласди. Иккинчидан, гўё фақат “ҳақиқий” мусулмонлар ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак “исломий тартиб”ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилмоқлари лозим. Бундай ҳаракатнинг қонунга мувофиқлиги масаласи улар томонидан умуман ўртага қўйилмайди, зеро, улар фақат шариатга (бу ҳам уларнинг тор талқинида) таяниб иш кўрадилар ва ўзларини исломдан чекинган

ҳокимиятни ағдаришга гўё ҳақли деб биладилар. Ислом экстремизмининг “нозик” томони унинг “дин”га (ҳақиқий динга эмас) асосланганидадир. Гурух раҳбарлари ўз қўл остидаги аъзоларининг онгида шу даражада таъсир ўтказадиларки, улар ҳатто ўзларини қурбон қилишга, муайян мақсад йўлида “шахид” ёки “камикадзе” бўлишга тайёр турадилар. “Мусулмон-биродарлар” ҳаракати (Миср, 1928 йил) дан етишиб чиқкан Сайид Қутб (1906-65) ҳозирги замон ислом экстремизмининг ғоявий асосчиси сифатида тан олинган. Унинг “назария”сига кўра, ўзини мусулмон деб ҳисобловчиларнинг кўпчилиги аслида мусулмон эмас ва умуман, барча давлатлар исломга қаршидирлар. Демак, мақсад – ислом давлатини барпо қилиш ва жамиятни тўлигича исломлаштиришdir.

Христиан динининг баъзи секталарига асосланган кўплаб диний экстремистик ҳаракатлари ҳам мавжуд. Айниқса, “яхвенилар”, “пятидесятниклар”, “ташаббускор баптистлар” умуман қонуний ҳокимият ва дунёвий қонунларни тан олмайдилар. Уларнинг фикрича, гўё черков давлатдан юқори. Пятидесятникларнинг баъзи гурухлари эса ўз тобеларини ўта шафқатсизлик билан адо этиладиган ибодатларга зўрлайдилар, дунё неъматларидан воз кечиб, таркидунёчилик билан яшашга даъват этадилар.

Диний экстремизм ёки ашаддий ақидапарстлик турли қўринишларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, Ольстердаги “ультра” протестантлар, Яқин ва Ўрта Шарқдаги “мусулмон-биродарлар”, Марказий Осиё ва Кавказда пайдо бўлган ваҳҳобийлар (Ваҳҳобийлик) ва бошқалар. Улар жамиятга ва Қонунларга деярли бир услубда қарши кураш олиб борадилар.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ахборот нима, унинг қандай турлари мавжуд?
2. Оммавий ахборот воситалари нима ва қандай функциялар бажаради?
3. Ахборотни химоя қилиш нима?
4. Ахборот ҳавфсизлиги тушунчаси ва мазмун-мохияти.
5. Ахборот ҳавфсизлиги соҳасидаги таҳдидларнинг тушунчаси ва мазмун-мохияти.
6. Ўзбекистонда ахборот ҳавфсизлигининг холати.
7. Фоя нима, фикрдан қандай фарқи бор?
8. Мафкура нима?
9. Диний экстремизм нима?
10. Терроризм нима?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.

2. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.
5. Панарин И.Н., Панарина Л.Г. Информационная война и мир. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003. – 382 с.
6. Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. – 512 с.
7. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. – 359 с.
8. Самаров Р.Ю, Раджабов А... Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). Тошкент, 2010.Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. -P.44-65.
9. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
10. Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
11. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.
12. www.Ziyonet.uz.
13. www.edy.uz.
14. www.bimm.uz.

## **2-мавзу. “Оммавий маданият” анъанавий маданият күшандаси, миллий маданият ва санъат соҳамизга таҳдид сифатида.**

**Режа:**

- 1.“Оммавий маданият” тушунчаси, мазмун-моҳияти.**
- 2.Тарихи ва ривожланиш босичлари, хозирги кундаги холати.**
- 3. Ўзбекистон ахолисини «оммавий маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилиш муаммолари.**

**Калит иборалар:** оммавий маданият, попмаданият, субмаданият, юшиоқ куч, маданий гегемония, глобаллашув жараёнлари, огохлик.

### **1.“Оммавий маданият” тушунчаси, мазмун-моҳияти.**

Бугунги кунга келиб, муайян мамлакатни забт этиш, бирор ҳалқни бўйсиндириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳалар, қимммат-баҳо техника, минглаб аскарлар ва анча-мунча вақт ҳам керак бўлар эди.

Хозирда эса бирор мамлакат ёки халқни бўйсиндириш учун оммавий ахборот воситаларининг ўзи кифоя қилмоқда. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор бир ғояга ишонтириш, онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатяпти. Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст, моддий зарар етказилади. Ишонтириш воситасида харакат қилаётганларни эса бирор нарсада айблаш қийин, зеро, улар тарғиб қилаётган ғоялари ортида қандай манфаатлар яширганини билиш осон эмас. Ваҳоланки, сўз, фикр, ахборот орқали инсон тафаккурини забт этиш ҳам халқ, мамлакат, ҳудудни босиб олишнинг бироз маданийлашган кўриниши ҳисобланади, бироқ бунда истилочининг ким экани номаълум бўлади, ҳатто аҳоли ўзини босиб олиш учун ким кураш олиб бораётганини англамайди ҳам. Бу кураш яширин равишда, зимдан оширилгани боис, унга уюшқоқ ҳолда қаршилик кўрсатиб бўлмайди, айнан шу омил бундай қарашларнинг муваффақиятини белгилаб беради. Гегемониянинг бу шакли “маданий гегемония”(устунлик, йўлбошчилик) деб номланади. Жаҳон миқёсида авж олдирилаётган бундай маданий гегемония курашда алданиб қолмаслик учун истилочиларнинг асл мақсад-муддаоларини билиш, қўлланилаётган услуб ва воситаларни пухта ўрганиш талаб этилади. Инсоният бошидан ўтказган инқилобларни тадқиқ этиш асосида ва инсоннинг феъл-атвори ҳақидаги билимлар негизида XX асрнинг 30-йилларида янги назария пайдо бўлди. Бу назариянинг муаллифи – италия компартиясининг асосчиси ва назариётчisi Антонио Грамши эди.

Грамшианинг фикрича, гегемония жамиятнинг ”маданий ўзаги”га таянади. Бу ўзак инсоннинг ҳаёт, яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини, билим ва тажрибани, анъана ва рамзларни ўз ичига қамраб олади. Маданий ўзак қанчалик барқарор бўлса, мавжуд тартибни сақлаб қолишини ихтиёр этган жамоанинг иродаси ҳам шу қадар қатъий бўлади. Маданий ўзакнинг кучсизланиши ёки қўпорилиши эса жамоа иродасининг емирилишига олиб келади ва инқилоб учун замин яратади. Шу тариқа, маданий гегемонияга эришиш учун маданий ўзакка тажовуз қилинади. Бунинг учун танкларга снарядларни тиқиши, самалётларга бомбаларни жойлаштириш, автоматларни ўқлаш талаб этилмайди, балки кўп сонли китоб ва рисолаларда, журнал ва газеталардаги мақолаларда маданий ўзакни қўпорувчи вирус-ғояларни тарқатишнинг ўзи кифоя. Грамши бу жараённинг қабих моҳиятини билмаслик оқибатида аҳолининг унга қаршилик кўрсатмаслигига ишора қилиб, бундай ўзгаришни “пассив инқилоб” деб атайди.

Грамши яшаган вақтда бундай инқилоб, асосан, зиёлилар онгода юз берган бўлса (чунки вирус-ғоялар битиладиган адабиётлар билан биринчи навбатда улар танишар эдилар), ҳозирда оммавий ахборот воситаларининг тараққий этилиши туфайли бундай инқилобни бошқа қитъаларда яшайдиган одамлар онгода амалга ошириш ҳам ҳеч гап бўлмай қолди. Телевизор ҳар бир хонадоннинг тўрини эгаллаган, глобал ахборот макони шаклланган бугунги

кунда, афсуски, маданий гегемония учун курашдан, бошқача айтганда, инсон онги ва қалби учун курашдан пана топиш осон эмас. Бироқ, ишончимиз комилки, бундай кураш усуллари ва воситаларини чуқур ўрганиш улардан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқишида қўл келади. Хўш, маданий гегемония ўрнатишга, аникроғи, маданий ўзакни кучсизлантиришга шайланганларга Грамши нима маслаҳат беради? Тарихий хотирани сусайтириш, жамиятдаги бирдамликка путур етказиш, анъанавий қадриятларни емириш, халқни маънавий илдизларидан маҳрум этиш, соғлом ақлни “ўчириш” каби усулларни таклиф қилган Грамшининг рўйхатининг унинг замонавий “шогирдлари” янги йўналишлар-ахлоқсизликни тарғиб қилиш, инсоннинг энг тубан майллари, ҳайвоний ҳирслари, нафсини қўзғаш ҳисобига “бойитдилар”.

Кўриниб турибдики, маданий гегемония негизида инсонни мустақил фикрдан маҳрум қилиш, уни ўзлигини унуган кимсага, манқуртга айлантириш мақсади ётибди. Янги кўринишдаги бундай мустамлакачиликнинг фожиавий оқибати ҳам шунда.

Ха, бугунги кунда айрим ижтимоий жараёнларни кузатар эканмиз, улар Грамшининг маданий гегемония ҳақидаги таълимотига уйғун тарзда, унинг кўрсатмаларига мос равища кечеётганини тан олишга мажбур бўламиз. Айрим ҳолларда ҳаттоқи, бу жараёнлар Грамши таълимотига таянган ҳолда маҳсус ишлаб чиқилган ва моҳирона амалга оширилган, аникроғи, Грамши назариясининг қанчалик тўғри эканлигини тажрибаларда синаб кўриш учун ўтказилган операция эмасмикан, деган гумонга ҳам борасан киши. Эътибор беринг. Грамшининг назариясига кўра, маданий гегемония ўрнатиш учун соғлом ақлни бартараф этиш талаб этилади. Соғлом ақл “ўчирилгач”, инсонни ақл бовар қилмас афсона ва уйдурмаларга ҳам ишонтириш мумкин бўлади. Айни пайтда, жаҳонда кенг ёйилаётган ана шундай чўпчак мафкуралардан бири “евроцентризм” деб ҳам аталади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, ундан Ғарбдан андаза олиш, унга тақлид қилиш тараққиётнинг бош омили эканлиги ўқтирилади. Евроцентризм ҳаммабопликка даъво қилаётган мафкура бўлиб, унга кўра, барча халқлар бир ҳил тараққиёт йўлини босиб ўтадилар, факат хозирги кунда улар тараққиётнинг турли босқичларида турганиклари боис, бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Ўз тараққиёт йўлини белгилаётган жамиятларга нисбатан евроцентризм мафкурачилари “Ғарб изидан бор – бу энг яхши дунёларидан биридир”, дея “маслаҳат” берадилар. Кўпинча сухбат чоғида айрим зиёлилар номаъқул мусиқа, номаъқул фильмларнинг, миллатимиз руҳиятига, маънавиятига зид урфларнинг ёшларга, умуман одамлар онги ва қалбига салбий таъсири ҳақида куюниб гапириб қолишади. Дарҳақиқат, на маъно на мазмун бўлган, инсоний ҳислардан кўра, кўпроқ паст инстинктларни қўзғовчи қўшиқ, ғоявий бўш, ҳатто заарли фильм каби “оммавий маданият” намуналариға ҳаётимизда кўп дуч келамиз. Балки айримларнинг четдан ёғилиб келаётган бундай “асар” ларнинг йўлини тўсиш ёки ўз “санъаткор”ларимизнинг ижод намуналарини бадиий кўрикдан (ўзига хос цензурадан) ўтказиш ҳақидаги фикри тўғридир.

Аммо бутун дунёда балои азимга айланган салбий қўринишдаги “оммавий маданият” нинг тарқалиши бундай йўл билан олиб бўлармикан? Кишиларни “Оммавий маданият” қуллигидан буйруқ ёки фармон билан халос этиш мумкинмикин? Президентимиз илгари сурган “ғояга қарши гоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш мумкин”, деган фикрнинг мазмун-моҳияти теранлиги ва доимо долзарблиги шунда.

“Табийки “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.

## **2. Тарихи ва ривожланиш босичлари, хозирги қундаги холати.**

«Оммавий маданият» Фарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Фарбда «популяр» ёки қисқартирилган ҳолда, «поп-культура» (яъни «оммавий маданият») деб аташади. Гарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра «оммавий маданият» чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Мутахассислар (файласуф ва сотсиолог олимлар)нинг фикрича, ҳали илм-фанда «антикультура» («ғайримаданият») деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун «оммавий маданият» тушунчаси, ноҷорлиқдан қўлланилмоқда. Чунки, «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. «Оммавий маданият» шу боисдан, энг аввало, юксак истеъодод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тироғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида ғоятда истеъододли инсонлар ҳам «оммавий маданият» тарғиботчиларининг қутқусига учраб, унинг тегирмонига сув қўймоқда. Агар «оммавий маданият» дунёга «эҳсон» этаётган «поп-арт» («тасвирий санъат»), «поп-музыка», «поп-адабиёт» натижаларига қараб ҳукм юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади: юксак маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди... Улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат - алоҳида истеъододлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари «оммавий маданият» тарафдорларининг ғашини келтиради. Уларча, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. «Поп-арт» - (оммавий санъат) шу хулоса манбаида вужудга келган.

«Оммавий маданият» таркибидаги кишиларнинг дастурий қараши шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади. Маънавий дунёни эмас, майший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини

қадрлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси - маънавиятни ўлдириш ва «нарсаларга қуллик»ни рафбатлантиришдир. Американинг таникли адиби Р. Бредбери айтганидек, «оммавий маданият» мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси - автомобил, телевизор, компьютер ва шунга ўхшаш техник воситаларгагина эга бўлишдир.

«Оммавий маданият» да «Оммавий мусиқа» алоҳида ўрин тутади. «Оммавий мусиқа» ни «Янги рок» белгилайди. «Янги рок», таъбир жоиз бўлса, кучайтирилган ритмик тузилмали мусиқадир. Яъни жазавали ритм, зарб, шовқин ушбу мусиқанинг қиёфасидир. Бу мусиқа тинглашга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. «Оммавий маданият» даги техник-ижро воситалари мусиқа имкониятларини ниҳоятда торайтиrmоқда, полифонизм - мусиқий садолар бойлиги ва ранг-баранглигини йўқقا чиқармоқда.

Хуллас, Ғарб жамияти маънавий ҳаётида инқироз тушкунлиги туфайли бузғунчилик, оммавий невроз, ахлоқсизлик, тажовузкорлик каби ҳолатлар намоён бўлиб, тобора хатарли тус олмоқда. Зеро, глобаллашув жараёни, замонавий коммуникация тармоқларининг жадал ривожланиши, маданиятлараро, инсонлараро мулоқот кенгайиб бораётган бир паллада Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий меъросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга беками-кўст етказиб бериш, ёшларимизни ақлли, доно, баҳтли ва баркамол этиб тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода турли ғоялар, ҳаётий қараш ва қадриятлар тўқнаш келган пайтда шахс масъулияти, у танлайдиган ижтимоий орзу-умидларнинг аҳамияти бекиёс даражада ортади.

Ғарб дунёсининг ўзидаги файласуфлар, социолог олимлар, «Бизга «Тўққизинчи симфония» (Бетховен) керак эмас!» ёки «Мона Лиза»ни лойга қориширамиз!» каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар «оммавий маданият» тарафдорлари ва муҳлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади, деб ёзадилар.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида ғоятда истеъоддли инсонлар ҳам «оммавий маданият» тарғиботчиларининг қутқусига учраб, унинг тегирмонига сув қўймоқда. Масалан, рассом Салвадор Дали Леонардо да Винчининг «Мона Лиза» («Жаконда») асарини кулги қилиб, Мона Лиза лаблари устига мўйлов чизган ва «Мўйловли Жаконда» асарини яратган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мана шундай «аччиқ истехзоли, қора мазмунли кулги» - «оммавий маданият» фаолиятининг энг етакчи белгиларидан биридир. «Оммавий маданият» намояндалари қора, заҳарханда, беҳаё кулгуни «исён ифодаси» деб билишади. «Нимага қарши исён» деган савол туғилади. Агар «поп-маданият» дунёга «эҳсон» этаётган «поп-арт» («тасвирий санъат» деса ҳам бўлади), «поп-натижаларига қараб ҳукм юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади: юксак

маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди... Улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат - алоҳида истеъододлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари «поп-маданият» тарафдорларининг ўта даражада ғашини келтиради. Уларча, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. «Поп-арт» - оммавий санъат шу хулоса манбаида вужудга келган.

Чунончи, «оммавий маданият» намояндаларидан бири Карл Маннинг фикрича, атроф-борлиқда, майший ҳаётда мавжуд барча нарсалар (масалан, консерва банкалари, синик тиш чўткали, машина, водопровод кабиларнинг занглаган бўлаклари, турли суратлар, журнал-газета қийқимлари ҳам) ҳаёт бағридан алоҳида ажратилиб, уларга муайян тартиб берилиб, одамлар назарига тутилса, бу оддий чиқиндилар баайни археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги юнонлар даврига хос осори атиқалардай ўзгача аҳамият касб этиб, «санъат, маданият намуналари» қаторидан ўрин олар эмиш.

«Поп-арт»чиларнинг дастурий қарashi шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади; маънавий дунёни эмас, майший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси - маънавиятни ўлдириш ва «нарсаларга қуллик»ни рағбатлантиришdir. Американинг таниқли адаби Р. Бредбери айтганидек, «оммавий маданият» мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси - автомобил, телевизор, музлаткичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса, уларга шунча яхши.

«Оммавий маданият»да «Поп (оммавий)-музыка» алоҳида ўрин тутади. «Поп-музыка»ни «Янги рок» белгилайди. «Янги рок», таъбир жоиз бўлса, кучайтирилган ритмик тузилмали мусиқадир. Яъни жазавали ритм, зарб, шовқин ушбу мусиқанинг қиёфасидир. Бу мусиқа тинглашга, қалдан ҳузурланишга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. «Оммавий маданият»даги техник-ижро воситалари мусиқа имкониятларини ниҳоятда торайтироқда, полифонизм - мусиқий садолар бойлиги ва ранг-баранглигини йўққа чиқармоқда.

Умуман айтганда, «поп-музыка» ижрочилиги кўнгилочар мусиқа ниқоби остида оммавий васвасали, шайтоний талвасали, бадахлоқ ракслар, кўпинча охири жанжал, ур-йиқит, ваҳшийликларга бориб етадиган агрессив дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. 1970 йилда Калифорниянинг Алтамонте шахрида бўлган мусиқа фестивалида ўзини «поп-музыка» қироли ҳисоблайдиган «Роллинг Стоунз» («Айланаётган тош») гурухи концерти ана шундай ур-йиқитлар билан тугаб, полиция бу можаро оқибатлари билан узоқ муддат шуғулланишига тўғри келган эди. «Поп-музыка» намояндалари ўз «оммавий»ликларини таъкидлаш учун саҳнадаги хатти-ҳаракатлари ва кийим-либослари намойишида ҳам - одоб-ахлоқ, жамиятга эҳтиром туйғуларини рад этиб - асосан кўча, оломончилик қонун-қоидаларига амал қиласидилар. Ва ўзларининг кулгули даражада ажралиб турадиган шундай рафтормаридан фахрланадилар. Афсусланарли томони шундаки, бундай ҳолатларни «поп-

музыка»чилар санъатдаги демократизмнинг, халқчилликнинг тантанаси, деб билишади.

Аслида, уларнинг саҳнада ўзларини безорилардай тутиши санъатни ва санъаткорликни ерга уради. Бу эса ҳайрон қоларли эмас: чунки асл санъатни ерга уриш - «Оммавий маданият»нинг дастурый, яъни ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифаларидан биридир.

«Поп-музыка» намояндадалири ижро этадиган қўшиқ матнлари эса, аввало, шеъриятнинг оддий талабларига жавоб бермайди ёки улар кўпроқ кўчада мавжуд беҳаё, жаргон ибораларга - қадриятларни, инсоний эзгуликларни киноя, мазах қиласиган сўзларга асосланган. Хуллас, эркинлик, демократия «намуналари» деб тавсия этилаётган «поп-музыка» матнлари билан ҳақиқий шеърият ҳамда асл халқчил дид, соғлом руҳият, маънавият ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

1964 йилда АҚШда Т.Сазерн ва М.Хоффенберг деган икки муаллиф ҳамкорликда ёзишган «Кенди» («Асал қиз») номли романини нашрдан чиқаришди. Кейинчалик бу китоб қайта ва қайта, катта миқдорларда американлик китобхонларга тақдим этилди. Ушбу роман асосида яратилган кинофильм кинотомоша бозорида кенг тарқалди. «Кенди» қаҳрамони, «Асал қиз» деб таърифланган жувон дуч келган одам билан тўшакда айш-ишрат қилишдан чарчамайди. Унинг ишқибозлари - турли диний ва сиёсий қарашли шахслардир. «Кенди» романи Америка адабиётида шаклланган ва кенг тарқалган романтик табиатли, ширин ва гўзал ўй-хаёлларга берилувчан қизлар тимсолини кескин ҳажв қиласи, уларнинг устидан кулади. Бадиий маҳорат талабларидан анча пастда турадиган, аммо «кўнгилочар»лик мавзуи мухлисларини ошуфта этган бу китобга АҚШ адабиётшунослари: «Маданий таназзулда олдинга қараб қўйилган улкан қадам», дея киноя билан баҳо беришди.

Худди шу китоб билан айни бир вақтда АҚШда Жон Речи исмли ёзувчининг «Тунги шаҳар» номли романни чоп этилди. Китоб саҳифаларида шаҳардаги тун - жиноятлар базмига айланади, инсон шахси ва унинг қадри эса мис чақага арзимайди. Бу роман «тубанлик ва қабоҳат - инсон табиатини белгиловчи ҳақиқатдир», деган ғояни тасдиқлаш учун битилган.

Биз нега бу икки романни эсладик? Айнан, ана шу китоблар ва улар асосида яратилган фильмлар - ғарбдаги «оммавий маданият»нинг адабиётдаги, телевидения ва кинодаги йўлини белгилаб берди. Интим муносабатлар, шахватпарастлик, зўравонлик, худбинлик, «Ким кучли бўлса - ўша ҳақ» деган чангальзорлар қонунини поэтиклиштириш АҚШ ва Европа «оммавий маданият»ида мана шундай асарлар таъсирида кенг оммалашди. Агар айрим Ғарб давлатларида эркак билан эркак, аёл билан аёл ўртасидаги никоҳ - ҳайратланарли ҳодиса бўлмай қолаётганлиги назар тутилса, «оммавий маданият» тарғиб этаётган маънавий тубанликлар, беҳаёликлар, қабоҳатлар нақадар чуқурлашиб кетганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Шу ўринда зарур бир изоҳ: «поп (оммавий) маданият»нинг намояндадалири ва тарғиботчилари «поп-адабиёт»ни унчалик тан олишмайди.

Уларнинг фикрича «адабиёт - бу сўз санъати» дегани. «Поп (оммавий) маданият» эса санъатга, жумладан, «сўз санъати»га қарши. Аникроғи, «санъатсиз сўз», яъни ёввойи, дағал, тарбия, ахлоқни хуш кўрмайдиган «кўча сўzlари»га мойил. Бироқ, улар хоҳлайдими-йўқми, айнан Ғарб оламида bemaza қовуннинг уруғидай кўпайиб, томир отаётган «оммавий маданият» таъсирида «Поп (оммавий) адабиёт» ҳам туғиляпти. Ва бу «адабиёт» «оммавий маданият»нинг тубан ғоялари тарғиботига хизмат қилмоқда.

«Оммавий маданият» кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Китч (заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тагига қисқа матн ёки лукмалар битилган беҳаё матбаа - расм маҳсулотлари), стариzm (субъэктив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш), хеппининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган «кескин» томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб абжағини чиқариш ёхуд ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий «кўнгил очиш»лар уюштириш) «оммавий маданият»нинг айrim кўринишлариdir.

### **3. Ўзбекистон ахолисини «оммавий маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилиш муаммолари.**

Юқорида биз Ғарбда «оммавий маданият»нинг тарихи, туғилиш манбалари тўғрисида сўзладик. Ҳозир-чи? Ҳозирга келиб эса бу тамойиллар янада ғовлаб, томир отяпти. Масалан, «поп-музыка»га хос ўша ритмик «бит» (зарб), қўшиқ ниқобидаги алаҳсираш, валдирашга яқин дидсиз «репп»лар таъсири дунё миқёсида тарқалиб, миллий мумтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узоклаштирумокда. Ғарб давлатларининг айримларида «оммавий маданият» тарқатаётган «порнография» (шармсизлик, ҳаёсизлик) ҳамда садизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги ғовлар, қарангки, суд қарорлари асосида, бирин-кетин олиб ташланаяпти. Ҳатто АҚШ мактабларида «Янги рок» мусиқалари ўқув дастурларига киритилган...

«Оммавий маданият» мактабининг «натижалари» эса яққол кўриниб турибди. Масалан, АҚШнинг айrim мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, вас-вос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган агрессивлик жаҳон оммавий-ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум. «Экканингни ўрасан» деб шунга айцалар керак-да. Афсуски, ер юзидағи ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, Ғарбдаги «марказлар» бундан фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаёти «жозибалари»ни, жумладан, «оммавий маданият» таъсирини «эркинлик шабадалари» тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қилмоқдалар.

АҚШнинг таниқли сиёsatшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: «...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир

давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллади. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишилари, овқатланишларидағи одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунйода тақлид қиласидар». АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публистик чиқишилар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқарини «ғарблаштириш»-га уринишлар қуроли сифатида, масалан, «оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарқатиш (реклама, матбуот, кино, телевидения каби) йўлларидан зўр бериб фойдаланилмоқда.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илфор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи «ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оммавий маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

Тўғри, биз демократия даврида яшяпмиз. Жамиятимизда қизиқиши ва майларга хурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиши ва майлардан давлат ва жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса, энг аввало, реклама ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги давлатимиз қонунларининг талаблари қатъий бажарилиши керак. Яъни «реклама»чилар ва журналистлар давлатимиз, жамиятимиз хавфсизлигига (жумладан, халқни, ёшларни маънавий айнитишга олиб келадиган ҳолатларга) йўл қўймасликлари керак. Афсуски, бундай ҳолатлар юз бераяпти.

Қолаверса, дунёқараш тарбияси имкониятларини ривожлантиришимиз лозим. Масалан, «Огоҳлик» иборасининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, анча кенг миқёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар дилини, руҳиятини, ақл-идроқи ва умуман маънавиятини диний-ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айни пайтда, жаҳонда юз берәётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манбаатлар йўналишидаги ошкора ва хуфя курашларнинг кенг миқёсдаги хатарли жиҳатларидан, жумладан, «оммавий маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Иложи бўлса, мамлакатимиз таълим тизимининг - мактаблардан тортиб то олий таълим муассасаларигача бўлган барча босқичлари ўқув дастурларига ана шундай кенг, юксак малакали, илфор замонавий, маъно-мазмунли, маҳсус «Огоҳлик» дарсларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўйлаб кўриладиган муҳим ва жиддий масаладир.

### **Назорат саволлари:**

1. Маданият терминининг мазмун-мохияти.
2. Оммавий (поп) маданият нима?
3. “Popart” нима?
4. Субмаданият нима?
5. Нима учун суб маданият традицион маданиятга қарши?
6. Дин нима?
7. Ақидапарастликнинг маъноси.
8. Диний экстремизмнинг мазмун-мохияти.
9. Диний экстремистик ташкилотлардан қандайларини биласиз?
- 10.Диний экстремистик ташкилотларнинг традицион дин ташкилотларидан фарқи нимада?
- 11. Терроризм нима, Унинг қандай кўринишларини биласиз?**

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.
2. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.
5. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. –359 с.
9. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
10. Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
11. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.
12. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
13. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz).
14. [www.alorada.uz](http://www.alorada.uz).
15. [www.Podrobno.uz](http://www.Podrobno.uz).

**З-мавзу. Глобаллашув шароитида ахборот соҳасида бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши санъат соҳаси ходимларининг онгида мағкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари**

**Режа:**

- 1. Муаммонинг долзарблиги.**
- 2. ОАВ орқали бўлаётган таҳдидлар хақида.**
- 3. Халқаро Интернет тармоғи орқали бўлаётган таҳдидлар хақида «Онекласники» ижтимоий тармоғи мисолида.**
- 4. Санъат соҳаси ходимлари онгида бўлаётган таҳдидларга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари хақида.**

**Калит иборалар:** глобаллашув, ахборот соҳасидаги таҳдидлар, миллий манфаатлар, халқаро интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар, диний экстремизм, ақидапарастлик, мағкуравий қўпорувчилик, мағкуравий иммунитет.

### **1. Муаммонинг долзарблиги.**

XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларига келиб ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ва инсоният фаолиятининг хамма жабхаларига кириб кетиши дунёда янги глобал таҳдидлар қаторида ахборот соҳасидаги таҳдидларнинг пайдо бўлишига олиб келганлиги хеч кимга сир эмас. Бунга исботан айтишимиз мумкинки, 1999 йил декабрь ойида қабул қилинган БМТ бош ассамблеясининг қарорида ахборот хавсизлиги соҳасидаги таҳдидлар XXI асрнинг глобал муаммоларидан бири бўлади деб таъкидланганлиги.

Ана шу таҳдидларнинг Ўзбекистон учун долзарблигини айтмасдан бўлмайди. Чунки бугун юртимизда бошқарув, иқтисод, мудофаа, илм-фан, ОАВ – ҳамма-ҳаммаси ахборот алмашишнинг тезлигидан, тўғрилигидан, кенглигидан, ўз вақтидалигидан, ахборот инфраструктурасининг ҳолатидан келиб чиқади. Дарҳақиқат дунёда ядрорий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларига эгалик қилиш, сиёсий ва диний радикализм, экстремизм, курол ва одам савдоси, терроризм, оғуфурушлик, этник ҳамда миллатлараро зиддиятлар авж олаётган бир вазиятда ахборот технологиялари орқали вужудга келаётган таҳдидларга бежиз алоҳида эътибор қаратилмаяпти.

Бунга нисбатан Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилнинг январ ойида Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида дунё аҳолисининг хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, «...бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаши мутлақо мумкин эмас.», дея таъкидлаган фикрларини айтишимиз лозим.

Юқорида айтилган таҳдидлар, уларнинг турлари, келиб чиқиш манбалари ҳақида кўп гапирсак бўлади. Лекин ҳозир улар ҳақида бошқа тўхтамасдан фақат шу таҳдидларнинг ҳозирги кунда **қайси мақсадда, қандай шакл ва воситаларни** қўллаган холда ўтказилмоқдалиги ҳақида тўхтаб ўтмоқчиман.

Ғанимларимиз, ахолининг онгига таъсир қилиш, унда ўз мамлакатига ва ҳукуматига нисбатан норозилик кайфиятини тугдириш ва кейин уларни ўз мақсадида хизмат қилдириш мақсадида қуийдаги мафкуравий қуролларни ишлатмоқда:

- экстремистик адабиётлар;
- турли хилдаги варақалар;
- уйдирма гаплар, миш-мишлар;
- республикамиздаги барқарорликни бузишга қаратилган чақириқлар, даъватлар;
- хар-хил ОАВ лари ва шу қаторда халқаро тармоқ интернет сайтларидағи мақола в хокозолар.

Хаммага маълумки ОАВ инсон онгини манипуляция қилувчи асосий омил хисобланади. Ахир биз бўлган воқеани ўзимиз кўриб эмас, ОАВ сининг талқини асосида қабул қиласиз ва шу асосда онгимиз шаклланади. Мутахассисларнинг фикрича, ОАВнинг энг хавфли томони, улар маълумотни қандай қўринишда етказиши хоҳлашса, шундай қуринишда етказиш қобилиятига эгалиги. Натижада кенг халқ оммаси кўз ўнгидаги объектив реаллик ўрнида реалликнинг ёлғон, чалғитувчи виртуал қўриниши пайдо бўлади. Айни вақтда ОАВ мафкуравий таҳдид ўтказишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида баҳоланмоқда. Уларнинг мафкуравий таъсир этишнинг манбай сифатидаги фаолияти, аввало, глобал телевизор тўлқини, кейин интернет тизимининг яратилиши билан боғлиқ бўлиб, бу ахборотни дунёнинг хоҳлаган нуқтасига ҳеч қандай қаршиликсиз турли қўринишда етказиб бериш имконияти борлигидадир.

Жумладан, чет эл ОАВ «демократик принципларни» тадбиқ этиш номи остидаги турли ташкилотлар, бадиий, сиёсий, тарихий, диний адабиётлар, хархил варақалар, маъruzалар, сухбатлар, санъат асарларини чоп этиб тарқатиш ёрдамида, ҳамда замонавий ахборот воситаларидан, интернет сахифалари, электрон почта, компьютер, факс ва кинодан давлатимизга, ахолимизга ғоявий таъсир, мафкуравий таҳдид этиш мақсадларида фойдаланмоқда.

Бунга исbtan айтишимиз мумкинки, агарда 2000-2002 йилларда чет эл ОАВ ларида (газета, журнал, телевизор, радио, интернет) Ўзбекистон ҳақида 1500-2000 тача маълумот чиқиб, унинг 45-50 фоизи салбий мазмунда бўлса, бугунги кунга келиб йилига 20 мингга яқин маълумот қайд этилиб, шулардан 60 фоизи Ўзбекистонга нисбатан негатив ва тенденцион характер касб этамоқда.

Умуман, Ўзбекистон аҳолисини, айникса ёшларни бошқа давлатлар томонидан бериладиган нотўғри мазмундаги салбий ахборотлар таъсирига тушиб қолишидан асрashимиз лозим. Тўғри, бугун Ўзбекистонда ушбу

йўналишда ижобий ишлар бажарилаётган бўлсада, лекин амалда ҳозирда ушбу масала ўз ечимини тўла топганича йўқ. Масалан, ахолимиз ҳозирги кунда ҳам Россиянинг бир қатор телерадиоканалларини томоша қиласидар ва тинглайдилар, улар асосида фикрлари шаклланади. (*Мисол - Тошкент шахри бўйича ТВ кўрсатувлари*). Ушбу телерадио кўрсатувларга муқобил бўла оладиган бошқа давлатларнинг, яъни Европа ва Америка ёки Осиё давлатларининг кўрсатув ва эшиттиришларини Ўзбекистоннинг ўта кам сонли ахолисигина қабул қилиш имкониятига эга. Ўзимизнинг МТРК кўрсатув ва эшиттиришлари хақида гапирмасак ҳам бўлади.

### **3. Халкаро тармок Интернет ва у оркали булаётган таҳдидлар ҳакида («Одноклассники» ижтимоий тармоғи мисолида).**

XX аср охирига келиб глобал компьютер тармоғи ва унда ғояларни тезлик билан тарқатиш дастурлари кенг ривожланди. Информацион ва коммуникацион технологияларнинг ривожланиши ахборотларни тарқатувчи восита — глобал компьютер тармоғи Интернетни яратилишига олиб келди. Ахборотларга арzon эга булиш, уларни эркин тарқатиш ва қабул қилиш имкониятлари интернетни шахс ва омма онгига мафкуравий таъсир этишнинг самарали воситасига айлантирди. Интернет анъанавий оммавий ахборот воситалари ва бошқа коммуникацион тизимлардан фарқли равишда бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири ахборот етказилиш тезлиги бўлса, яна бири тармоқдаги «янги» ахборот традицион ОАВ фарқли равишда камроқ цензура таҳдида остида бўлади ва хохлаган вақтда ер шарининг хохлаган нұктасига етказиш имкониятига эга.

Шу билан бирга, интернетнинг яширин хавфи шундаки, тармоқ фойдаланувчиси, масалан телемуҳлисдан фарқли равишда ўзининг эркин маълумот танловига, ҳаракатларининг бошқа тармоқ субъектлари томонидан назорат қилиш имконияти йўқлигига психологик ишончи бўлади.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтга келиб интернет тармоғида ғарб маданияти, ахлоқсизлик, турли хил миллатчилик ва террористик ғоялар, маънавий бузуқликни тарғиб қилиш, тарқатиш воситасига ҳам айланиб бормоқда. Шунинг билан бирга, мафкуравий таъсир этувчи материалларга давлат раҳбарларини обрўсизлантирадиган ёлғон, ўйлаб топилган ахборотларни киритишимиз мумкин.

Буюк Британиялик мутахассизларнинг таҳлили ҳозирги пайтда 2-5 ёшли болалар хафтасига 32 соат, 6-11 ёшдагилар эса 28 соат видео, ДВД ва кинолар кўрар эмиш. 5-15 ёшли болаларнинг 35 % интернетнинг хар-хил ижтимоий тармоқларида профил ва аккаунтлар очганликларини кўрсатади.

Яқин келажакда глобал интернет тармоғи мафкуравий таҳдид ўтказишнинг бошқа воситаларга қараганда самаралироқ воситасига айланиши сир эмас. Бу башорат бевосита интернетдаги маълумотлар нисбатан камроқ цензура таҳдида остида бўлиши, ундан фойдаланувчиларнинг сони ортиб бораётгани ва маълумот муаллифини топишнинг қийинлиги билан боғлиқдир. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституцион тузумига

нисбатан душманлик кайфиятида бўлган айрим давлатлар ёки гурухлар томонидан, ўзларининг қўпорувчилик харакатларини интернет тармоғи орқали амалга ошириш ҳолатлари кенг тус олмоқда (*Мисол - виртуал жамоат бўйича*).

Охиригина йилларда авж олган ахборот глобаллашуви нафақат ахборот технологияларини, балки инсонлар ўртасидаги мулоқот воситаларини ҳам компьютерлаштиришга олиб келди. Бугунги кунда қўплаб инсонлар, хусусан ёшлар бир-бири билан Интернет тизимида электрон почта, ижтимоий тармоқлар, чат ва форумлар орқали тизимли мулоқотни йўлга қўйган. Ижтимоий тармоқларнинг айримларидан фойдаланувчилар сони 150 миллиондан то 1 миллиардгача етади. Хозир дунёдаги 2,5 млрд. интернет фойдаланувчилардан яқин 2 млрд ижтимоий тармоқларда ўз аккаунтларига эга. Ижтимоий тармоқлар хақида гапирадиган бўлсак, улардан биринчиси 1995 йил АҚШ да «Classmates» («Одноклассники», «Синфдошлар») ижтимоий тармоғи ўйлаб топилди. Орадан кўп вақт ўтмай «LinkedIn», «MySpace» и «Facebook» лар пайдо бўлди. «Classmates» нинг бошқа давлатлардаги аналоглари ҳам тузила бошлади.

Улар орасида эса Ўзбекистон ёшларининг ахборот-психологик хавфсизлигига кўпроқ таъсири кўрсатадиган бўлиб “Одноклассники” саналади. Сўнгги йилларда “Одноклассники” бошқа тармоқларга нисбатан (“Мой мир”, “Facebook”, “Вконтакте”) Ўзбекистон фуқаролари, хусусан, кўпроқ ёшлар томонидан фойдаланиладиган оммабоп тармоққа айланди.

“Одноклассники” ижтимоий тармоғига 2006 йил 4 мартда россиялик мутахассис Альберт Попков томонидан асос солинган. Бугунги кунда тармоқнинг 200 млн.дан ошик фойдаланувчи мавжуд бўлиб, бунда бир кунлик фойдаланувчиларнинг сони 49-50 млн.ни ташкил қиласди.

Бугунги кунда сайтда рўйхатдан ўтган ўзбекистонликларнинг сони 7 млн.дан ортиқ ва ҳар ойда 2,5 млн.дан ортиқ фойдаланувчи ушбу тармоқдан фойдаланади. Кундалик фойдаланувчиларнинг сони эса 1,5 млн.дан ошмоқда.

### Ижтимоий тармоқларга Ўзбекистон ахолисининг қизиқуви

<b>Ахоли</b>	<b>Интернет фойдаланувчилар.</b>	<b>Интернетнинг кириши</b>
30 180 000	19 000 000	63%

<b>Ижтимоий тармоқ</b>	<b>Фойдаланувчилар</b>	<b>Ахолига нисбатан %</b>	<b>Интернет фойдаланувчиларига нисбатан %</b>
Одноклассники	7 000 000	23%	37%
В контакте	311 000	1%	2%
Фейсбуқ	280 000	1%	1%

СНГ давлатларининг ичида Ўзбекистонлик "Одноклассники" тармоғидан фойдаланувчиларининг сонии 7 млн. Билан Россиядан кейин 2 ўринда туради.

"Одноклассники" тармоғида Ўзбекистонликлар хар куни 10,5 млн. Хат ва хабар юборишади, кунига 1,5 млн. гача тармоққа кўйилган расм ва хабарларга бахо беришади. Кунига 300 минг одам кино кўради ва 150 минг ўйинлар тармоққа хамюртларимиз тарафидан кўйилади.

Республикамиздаги 24 та олий ўқув юртининг 1200 дан ортиқ талабалари орасида ўтказилган **"Глобаллашув жараёнлари ва ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти"** мавзуидаги тадқиқот натижалари хам юқоридаги фикрларни исботи десак бўлади.

Маълумотларга кўра, "Одноклассники" тармоғи фойдаланувчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Хусусан, "Infocom" Интернет-журнали бош муҳаррири Александр Сучковнинг маълумот беришича, мамлакатда интернетдан фойдаланувчиларнинг 60% дан кўпроғини 25 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади. Ҳозирда ушбу тармоқ фойдаланувчиларининг 37,7% эркаклар ва 62,3% аёллар ҳисобланади<sup>7</sup>.

Шу билан бирга айтишимиз лозимки, сўнгги йилларда "Одноклассники" ижтимоий тармоғида тарқатилаётган ахборотлар ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тармоқда ҳар қандай шахс томонидан турли характердаги виртуал гуруҳлар тузиш имкониятининг мавжудлиги туфайли, бугунги кунда Ўзбекистон ёшларининг ушбу гуруҳларга аъзо бўлиш ёки шакллантириш билан боғлиқ иштироклари кузатилмоқда. Виртуал гуруҳларнинг асосий қисмида ёшларни психологик, ижтимоий, сиёсий, диний ва маданий дезориентациялашувига олиб келиши мумкин бўлган масалалар муҳокама қилинади. Мутахассисларнинг маълум қилишича, ушбу гуруҳлар аксарият ҳолларда манфаатдор шахслар томонидан тузилади ва ёшларнинг нормал турмуш фаолиятида кенг муҳокама қилинмайдиган ахборотлар (масалан жинсий ҳаёт, хар-хил жиноят, дин, сиёsat ва ҳ.к.) билан қизиқтириб ўз сафларини кенгайтиради.

Интернетнинг "Одноклассники" ижтимоий тармоғидаги миллий манфаатларга мос келмайдиган виртуал гуруҳларни фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида утказилган изланиш бугунги кунда қуйидаги йўналишдаги виртуал гуруҳлар Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига зид келиши ҳамда ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди:

### *1. Аҳоли ўртасида ноанъанавий ислом қоидаларини тарзиб қилувчи гуруҳлар.*

Тармоқда бугунги кунда 15721га яқин бундай мазмундаги виртуал гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларни ҳар бирининг таркиби 10 дан 120000 гача фуқаролардан иборат. Ушбу гуруҳлар орасида энг фаол ақидапарастликни амалга оширувчилари бўлиб "Ислом империяси" (121302 нафар аъзо),

<sup>7</sup> "Одноклассники.ру: тенденции, цифры и факты. Эксклюзивное интервью представителя проекта". [www.kommersant.uz](http://www.kommersant.uz).

“Исломда жамоат” (11 нафар аъзо) гурухлари саналади. Шунингдек, 50дан ортиқ жиходчилик ва халифачиликни тарғиб қилувчи гурухлар “Жиход майдонидан хабарлар” (21 нафар аъзо), “Жиходнинг 44 воситаси” (715 нафар аъзо), “Халифат лучший проект для человечества” (1967 нафар аъзо) номлари остида ўз фаолиятини юритмоқда. Ушбу гурухлар асосан ёшларга диний нормаларни тарғиб қилиш, анъанавий ислом қоидаларини ислом дини манбалари доирасидан чиқсан ҳолда талқин қилиш ҳамда ушбу ғояларни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилиш, диний таълим ва ҳижоб кийишга ундаш, бошқа дин вакилларига нисбатан норозичилик кайфиятини шакллантириш ҳамда диний толерантликка қарши чиқиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

## **2. Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий тизимга қарши фикрларни тарғиб қилувчи гурухлар.**

Тармоқда бундай мазмундаги 40га яқин виртуал гурух мавжуд. Улардан асосийлари бўлиб “Сиёсат-бу ақида, мафкура”, “Siyosat.uz”, “Siyosat Maydoni-The Political Arena”, “Бирдамлик Халқ Ҳаракати” гурухлари саналади. Ушбу гурухлар етакчилари асосан ахборот майдонида Ўзбекистон Республикаси тўғрисида сиёсий миш-мишлар тарқатиш, амалдаги сиёсий ислоҳотларни қоралаш, давлат ва ҳукумат вакилларини обрўсизлантириш, норозичилик кайфиятига қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантириш билан боғлиқ маълумотларни гурухга янги аъзога бўлган ёшларга етказиш ва муҳокама қилиш билан шуғулланади.

## **3. Маҳаллийчиликни тарғиб қилувчи гурухлар.**

Ушбу йўналиш бўйича асосан ёшлар яшаш вилоятидан келиб чиқиб алоҳида гурухларга бирлашади ва ўзининг бошқа вилоятдаги фуқаролардан фарқ қилувчи жиҳатларини устун қуийишга оид ахборотларни тармоқда жойлаштиради. Масалан, “Xorazm dili garak bo’so ozbek dilinnan boy”, “Фақат Тошкентликлар, харипларга жой йўқ”, “Буюк Қорақалпоқлар” гурухларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

## **4. Ёшларда антиижтимоий хулқни шакллантирувчи гурухлар.**

Ушбу йўналиш бўйича қуидаги мазмундаги виртуал гурухларнинг фаолияти аниқланган:

- 6291 та фоҳишабозлик ва ёшларнинг жинсий ҳаётига салбий таъсир этувчи гурухлар;
- 5162 та эркаклар ўртасида бир жинсли турмуш фаолиятини тарғиб қилувчи гурухлар;
- 133 дан ортиқ аёллар ўртасида бир жинсли ҳаётни тарғиб қилувчи гурухлар;
- 74529 та ёшлар ўртасида миллий қадриятларга мос келмайдиган севги муносабатларини шакллантирувчи гурухлар
- 1054 та безорилар гурухлари (ўғирлик, фирибгарлик ва бошқа ижтимоий хавфли ҳаракатларга чорловчи гурухлар);
- 1000 дан зиёд маънавий бузуқ мақол, шеър ва латифачилар гурухлари;

- 100 дан ошиқ инсонни тушкунликка тушурувчи ёки унинг рухиятига салбий таъсир кўрсатувчи.

Ушбу виртуал гурухларнинг гурухлар томонидан ўз хавфсизлигини таъминлаб бориши ва конспирацияга амал қилиши аниқланди. Хусусан, уларнинг конспирацияга риоя қилиш мақсадида қўйидаги усуслардан фойдаланиши маълум бўлди:

- гурухлар етакчилари ва аъзолари ўзларини сохта биографик маълумотлар ёки тахаллуслар орқали тармоқда қайд қилиш;

- профилни ёпик ҳолатга ўтказиш ва бу орқали аъзоларнинг миқдорини кўрсатмаслик;

- аъзо бўлишни истаган шахсларни саралаш ва бунинг учун уларнинг таклифларини қабул қилиб бўлгандан сўнг номзодларнинг тармоқдаги манзили, фотосуратлари, тармоқдаги сұхбатдошларини ўрганиб чиқиш орқали гурухга киритиш ёки рад қилиш тўғрисида хulosса қабул қилиш;

- профилга аъзо бўлмагунча гуруҳда муҳокама қилинаётган масалаларнинг мазмuni билан танишиш имкониятини чеклаш;

- профилдаги барча учун очиқ сахифада умумий характердаги ва салбий тусга эга бўлмаган мавзуларни киритиш орқали гурухнинг тематикасига нисбатан салбий тасаввур шаклланишининг олдини олиш ва аслида эса, аъзоларнинг виртуал диалогларида миллий манфаатларга мос келмайдиган мавзуларда сўзлашув олиб бориш.

Юқорида баён этилганлар билан бир қаторда, “Одноклассники” ижтимоий тармоғида жойлаштирилаётган материаллар ёшларнинг таълим олиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу материалларга нисбатан жамоатчилик диққатини жалб қилиш мақсадида жойлаштирилган роликларни баҳолаш учун рейтинг тузилади ва “класс” белгисини қўйиш орқали ёшларни рейтингда иштирок этишга жалб қилинади. Жумладан, ушбу тармоқда 2013 йил 24 ноябрь куни колледжа икки нафар ўқувчи қиз орасида бўлган олишув ёзиб олинган лавҳа жойлаштирилган ва унга 628 фойдаланувчи томонидан “класс” белгиси қўйилган. Шунингдек, таълим жараёнида ўқитувчиларни обрўсизлантириш мақсадида олий таълим муассасаларидағи машғулотлар жараёнларида ўқитувчиларнинг нокулай аҳволга тушган ҳолати туширилган видеолавҳалар ҳам жойлаштириб борилади ва ушбу лавҳаларни 1000 дан ортиқ фойдаланувчиларнинг кўриши маълум бўлган.

Бундан ташқари, маълум булишича кундузги вақтда ушбу тармоқ орқали 50 нафар фойдаланувчиларга “қаердасиз?” деб берилган саволга, сўралганларнинг 29 нафари “ўқишидаман” каби жавобларнинг олиниши, ёшларнинг ўз асосий фаолиятига совуққонлик билан ёндашаётганлигини кўрсатади.

Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистонлик ёшлар орасида “Одноклассники” ижтимоий тармоғи фойдаланувчилари сонининг ошиб бораётганлиги ва ижтимоий ҳамда сиёсий қадриятларга мос келмайдиган виртуал гурухларга аъзо бўлаётганлиги уларнинг ахборот-психологик хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатади. Ўз ўрнида, ушбу тармоқдан

йўналтирилаётган ахборот-психологик таҳдидлар манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш имкониятининг чекланганлиги истиқболда бу каби гуруҳларнинг ҳамда уларнинг фаолиятига қизиқувчиларнинг сони янада ошиб кетиши ва оқибатда айрим тоифадаги ёшларнинг дезориентациялашувиға олиб келиши мумкин.

*Яқинда нидерландиялик ёш бир қиз Youtube орқали йигитларни туғилган кунига тақлиф қилган. Айтилган пайт (албатта кечки пайт) белгиланган жойда 3 мингга яқин йигит тўпланди. Туғилган кун эгасини кута-кута йигилганларнинг тоқати-тоқ бўлди. Охири орада жанжал кўтарилди. Кимнингдир кўйлаги йиртилди, кимдир жароҳат олди.*

Қиз, билибми-бilmайми, ижтимоий тармоқнинг қудратли таъсир кучидан енгилтаклиқ йўлида фойдаланди. Афсуски, бу қудратли восита «мижоз»лари орасида ҳар хил сиёсий кучлар, ҳатто давлатлар бор. Ваҳоланки, уларнинг мақсадлари бекорчиликдан эрмак учун ёхуд оқибатини ҳис қилмасдан амалга оширилмайди. Оширилмаяти...

«Араб баҳори» деб ном олган тўполонлар ва Киевнинг “майдонида” бўлиб ўтган қон тўкишларда ижтимоий тармоқлар муҳим ўрин эгаллаганини ҳамма билади. «Баҳор»да ундан сиёсий мақсадларда фойдаланилди. У сиёсий кучлар учун одамларни йиғиб берди, кўчага олиб чиқди. Сайёхлик ўлкаси бўлмиш биргина Миср иқтисодиёти ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилган бекарорлик ва ғалаёнлар оқибатида 5 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ зарар кўрган. Фуқаролар ўртасида эса бўлиниш, душманлик кайфияти пайдо бўлган ва бундай таранг ижтимоий вазият ҳамон мамлакат мувозанатини чайқалган ҳолатда ушлаб турибди. Сурияда ижтимоий тармоқлар орқали бошқарилаётган тўполонларда, хориж матбуоти манбаларида қайд этилишича, 60 минг аҳоли ҳалок бўлган, яrim миллион киши қочоқ ва дарбадар юрибди. Украинадаги хунрезликлар халигача давом этмоқда.

#### **4. Санъат соҳаси ходимлари онгида бўлаётган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари.**

Биз тўхтаб ўтган муаммоларнинг ечими Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз хам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга ота- боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур», деган таъкидида аниқ белгилаб берилган.

Хуллас, дунё миқёсида глобаллашув жараёни авж олаётган бугунги кунда миллий мафкуравий иммунитетимизни мустахкамлашга ёрдам берадиган барча имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш миллий ўзлигимизни сақаб қолиш, уни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишда катта амалий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Ўзбекистонда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз вақтида холис баҳо бера оладиган, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини сўзда хам амалда хам ҳимоя қила оладиган бўлишимиз лозимлиги давлатимиз раҳбари томонидан хам доимо таъкидлаб келинмоқда.

Бугун дунё тараққиёти шу даражага етдики, энди мафкуравий кураш, маънавий салоҳият етакчи ўринга чиқди. Энди қурол— яроқлар эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя» билан курашиб олға бориш мумкин. Кимнинг мафкураси, миллий ғояси кучли бўлса, ўша енгиб чиқади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ёшларни Интернет ижтимоий тармоқларининг салбий таъсиридан ҳимоялаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

### **1. Таълим муассасалари орқали:**

- “информатика ва ахборот технологиялари” машғулотлари доирасида Интернет тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш билан биргаликда, ушбу тармоқларда тарқатилувчи ахборот-психологик таҳдидлар тўғрисида қўшимча дарслар ташкил қилиш орқали ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш;

- Интернетда ишлаш маданиятини ривожлантириш мақсадида бепул буклетлар, рекламалар, хатто ўқув қўлланмалари тайёрлаш ва ёшларга тарқатиш;

-таълим муассасалари психологлари томонидан ёшларнинг интернетга тобелик даражасини ўрганишга йўналтирилган психологик тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш.

### **2. Телекоммуникация воситалари орқали:**

- миллий телевидения орқали Интернет ижтимоий тармоқларининг салбий таъсирига оид берилаётган кўрсатувларда тармоқлардаги виртуал гурухлар фаолияти натижасида юзага келаётган оқибатларни маълум қилиш орқали телеаудиторияга мақсадли таъсир кўрсатиш;

- Интернет ижтимоий тармоқларида ахборот-коммуникация соҳаси мутахассислари ва психологлар ёрдамида салбий тусдаги виртуал гурухларга қарши йўналтирилган маҳсус виртуал гурухларни яратиш ҳамда бу орқали деструктив виртуал гурухлар ташкилотчиларини обрўсизлантириш ва ёшларни соғлом турмуш фаолиятини тарғиб қилувчи виртуал гурухларга реинтеграциялаштириш;

- Интернет оқибатлари тўғрисида давлат тилидаги мақола ва бошқа турдаги материалларнинг танқислигини эътиборга олган ҳолда, интернетга тобелик натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар (кўз ва асаб касалликлари, субмаданият) тўғрисида кичик ҳажмдаги реклама роликларини ишлаб чиқиш ва уларни мунтазам равишда ижтимоий тармоқларнинг умумий саҳифаларида жойлаштириб бориш;

**Ва ниҳоят шу соҳага каратилған қонунларимизни янада такомиллаштириш лозим.**

### **Назорат саволлари:**

1. Глобаллашув нима, қандай маънони билдиради?
2. Иммунитет нима, мафкуравий иммунитет ниманм англатади?
3. Ижтимоий тармоқлар нима? Улардан қандайларини биласиз?
4. “Однокласники ” ижтимоий тармоғи ҳақида нима биласиз?
5. Интернет таъсирининг оқибатлари тўғрисида нима биласиз?
6. Таълим муассасалари орқали ёшларни Интернетдаги ижтимоий тармоқларининг салбий таъсиридан қандай ҳимоялаш мумкин ?
7. Телекоммуникация воситалари орқали ёшларни Интернетдаги ижтимоий тармоқларининг салбий таъсиридан қандай ҳимоялаш мумкин ?
8. Ушбу соҳага қаратилган қандай қонунларни биласиз?
9. Яна қандай қонунлар яратиш мумкин?
10. Бу йўналишда ота-оналарнинг вазифалари нимадан иборат бўлиши керак?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.
2. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.
5. Панарин И.Н., Панарина Л.Г. Информационная война и мир. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003. – 382 с.
6. Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. – 512 с.
7. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. – 359 с.
8. Самаров Р.Ю, Раджабов А... Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). Тошкент, 2010.Methods of Teaching. Course Gulde. Associate

- Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. -P.44-65.
9. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
10. Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
11. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.
13. www.Uza.uz.
14. www.alorada.uz.
15. www.Podrobno.uz.
16. www.bimm.uz.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-амалий машгулот:** Ахборот хавфсизлигининг бугунги кундаги холати ва уни таъминлаш бўйича вазифалар

**Ишдан мақсад:** Ахборот хавфсизлигининг бугунги кундаги холати ва уни таъминлаш бўйича вазифалар бўйича назарий машғулотда олинган билим ва кўникумаларни мустахкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Инсонлар жамиятида ахборот доим жуда катта рол ўйнаган. Хатто ўша қадимги тош асирида хам. XX аср охирига келиб ахборот технологияларнинг жиддий суратлар билан ривожланиши ахборот ресурсларини инсон фаолиятининг хамма жабхаларига кириб келишини таъминлади.

**Ишини бажариши учун намуна.** Ахборот хавсизлиги соҳасидаги таҳдидлар деганда - шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларига негатив таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар йиғиндиси тушунилади.

Улар ўз қаторида **тўрт турга** бўлинади.

**Биринчиси.** Фуқароларнинг ахборот олиш, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган таҳдидлар (*мисол*).

**Иккинчиси.** Ўзбекистон халқига ва халқаро ҳамжамиятга давлат томонидан олиб борилаётган сиёsatни тўғри ва объектив етказиб беришга, мамлакатдаги ва дунёдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан ҳукumatнинг расмий муносабатини фуқароларга очик ва равшан қилиб ёритиб беришни таъминлашга бўлган таҳдидлар (*мисол*).

**Учинчиси.** Замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, миллий ахборот индустряси, жумладан ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа индустрясини шакллантириш ва такомиллаштириш, ушбу маҳсулотлар билан ички ахборот бозорини таъминлаш ва жаҳон ахборот бозорига чиқишига қаратилган таҳдидлар (*мисол*).

**Ва тўртинчиси.** Ахборот ресурсларига, шунингдек давлат сирлари ва бошқа конфиденциал маълумотлар, Ўзбекистон Республикасида яратилган ёки ишга туширилган, туширилиши мўлжалланаётган ахборот ва телекоммуникация тизимларига бўлган таҳдидлар (*мисол*).

### **Назорат саволлари:**

1. Ахборот нима, унинг қандай турлари мавжуд?
2. Оммавий ахборот воситалари нима ва қандай функциялар бажаради?
3. Ахборотни химоя қилиш нима?
4. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси ва мазмун-мохияти.
5. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги таҳдидларнинг тушунчаси ва мазмун-мохияти.

6. Ўзбекистонда хозирги ахборот ҳавфсизлигининг холати.
7. Фоя нима, фикрдан қандай фарқи бор?
8. Мафкура нима?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

9. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.
10. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.
11. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.
13. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. –359 с.
9. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
10. Ишмуҳаммадов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
11. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.
12. www.Ziyonet.uz.
13. www.Uza.uz.
14. www.alorada.uz.
15. www.Podrobno.uz.

**2-амалий машғулот: Иллатни қадриятга айлантириш механизми  
(ёхуд Овертон ойнаси) нинг мазмун-моҳияти, ҳамда Ўзбекистон  
халқига таҳди迪.**

**Ишдан мақсад:** Иллатни қадриятга айлантириш механизми, ёхуд “Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологияси бўйича назарий билим ва амалий кўникмалар олиш.

**Ишини бажариши учун намуна.** Иллатни қадриятга айлантириш механизми, ёхуд “Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологияси.

“Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологиясига кўра, исталган нарсани, ҳаттоки илгари ақл бовар қилмаган нарса ва ҳодисалар ёки иллатларни қонунийлаштириш ва, ҳаттоки, бутун бошли миллатлар учун “қадрият” даражасига олиб чиқишиш мумкин. Бунинг учун ҳар қандай жамиятда “имкониятлар ойнаси” мавжуд. Бу “мияни тозалаш” эмас, бу жуда юқори самара билан ишловчи ва амалда ўз исботини топган аниқ сиёсий технология бўлиб, минглаб ядрорий қуроллардан ҳам даҳшатли оқибатларга олиб келади. Бунга тарихда мисоллар кам эмас.

**Мутахасисслар фикрича “Овертон ойнаси” услубида қийидаги босқичлар мавжуд:**

**Бириңчи босқич** – **ақл бовар қилмайдиган масала** (мисол учун каннибализм -одамхүрлик). Ҳозирча одамхүрлик жамият учун ўта жирканың ва умуман қабул қилиб бўлмайдиган масала сифатида қолмоқда. У ҳақида на оммавий ахборот воситалари орқали ва на бир фаросатли давраларда гапириб бўлади. У ҳар томонлама таъкиқланган ва одамхўрликнинг ҳар қандай қўриниши учун кескин жазо чоралари назарда тутилган ҳолат бўлиб турибди.

**Лекин бу муаммони илмий нуқтаи назардан ўрганиши мумкинку!**  
**Демак ўрганамиз.**

Шундай қилиб, “Овертон ойнаси” воситасида каннибализм масаласини “ақл бовар қилмайдиган масала” босқичидан

**Иккинчи босқичга – “ўта кескин (радикал) ҳолат” босқичига ўтказамиз.**

Нимага энди одамхўрлик ҳақида гаплашмас эканмиз?! Ҳеч бўлмаганда, олимларимиз бу ҳақида фикр юритишин. Улар ахир олим-ку! Улар учун таъкиқланган мавзунинг ўзи йўқ. Улар ҳар қандай нарса ҳақида гапиришлари, фикр юритишли, тадқиқотлар олиб боришлари лозим. Шундай экан, келинг, этнологик симпозиум ташкил этамиш ва унда “Полинезия қабилаларининг экзотик одатлари” мавзусида суҳбат қурамиз.

Во, ажабо! “Овертон ойнаси” ўз ҳолатидан силжиди, кенгайди, яъни одамзот дунёқарашини ўзгартириш учун асос яратилди. **“Ақл бовар қилмайдиган ҳолатдан” асталик билан “ўта кескин (радикал) ҳолат”га ўтдик.**

Бошланиши учун, масалан, “илғор” британиялик олимларнинг “одам гўштини ёйиш” ҳақидаги фикрларини керакли ОАВларда эълон қиласиз. Бунинг учун жаҳондаги барча етакчи ОАВлар бизнинг ихтиёrimизда. “Овертон ойнаси” натижа бера бошлади – каннибализм илмий доирага киритилди. Бу борадаги таъкиқларга чек қўйилди. Табулардан воз кечилди. Муаммонинг бирламчилиги парчаланди.

Ойна эндилиқда кейинги, яъни учинчи босқичда янада кенгайтирилади. Одамхўрлик масаласини энди учинчи босқич “ўйлаб кўрса бўладиган ҳолат” босқичига ўтказамиз.

**Диққат қилинг!** Бу босқичда айни жозибали номни шакллантириш мухим аҳамиятга эга. Зоро, ақл бовар қилмайдиган тояни қонунийлаштириш учун унинг асл номини алмаштириб қўйиш керак.

“Каннибализм” ёки “одамхўрлик” ибораси йўқ, у энди, масалан “антропофагия” деб номланади. Лекин бу номни ҳам кейинроқ алмаштириши мумкин. Қарангки, бундай атама ҳақоратомуз маънога эга экан.

Янги-янги номларни ўйлаб топишдан мақсад – масала моҳиятини унинг номидан айириш, сўз шаклини унинг мазмунидан узиб олиш, тилни ғоявий қарама-қаршиликлардан тозалаш.

“Ташналик ва очликдан ўлаётган болаларини ўз қонидан ичириб сақлаб қолган жасур она ҳақидаги афсонани эслайсизми?”, “Антик даврдаги худоларничи? Улар умуман ҳамма нарсани истеъмол қилишган. Римликларда бу норма эди!”, “Қадимий шаманлар одамларни ўз илоҳлари йўлида курбонликка сўйишишган”, “Насронийларчи? Уларда антропофилия билан ҳаммаси доимо жойида бўлган. Улар ҳанузгача ўз худоларининг қонини ичишади. Сиз насроний черковни айбламассиз, ахир? Умуман олганда, бошқаларни айблашга нима ҳаққингиз бор? Сиз кимсиз ўзи?”.

**Одамхўрлик энди “нозик масала” босқичини ҳам тугатиб, бешинчи босқичга “машхурлик” томон йўл олади.**

Ижтимоий онгда муаммо учун сунъий равища “кураш майдони” яратилди. Энг чеккада одамларни қўрқитувчи радикал шахслар, жамиятлар, турли ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар маҳсус ревища яратилади ва молиялаштирилади. Одамхўрликка нисбатан ҳанузгача қарши бўлганларни ўша радикаллар қаторига қўшиб қўйилади. Бундай қўрқитувчилар “ақлдан озган психопатлар”нинг ролини ўйнайдилар. Улар бу ҳақида билишлари шарт эмас. Бунинг учун уларнинг онгига эга чиқиши ва уларни ўзлари билмаган тарзда бошқариб туриш керак.

Ха, майли, “адолат” ва “плюрализм” учун антропофилияга қарши бўлганларга ҳам ўз фикрларини айтиш учун имконият берайлик. Бизда, ахир, газета ва журналларнинг камдан-кам одам ўқийдиган вараглари ва жойлари ҳам бор-ку! Телевизор ва радиони ҳам кун бўйи эшитавермаймиз, ахир. Улар ҳам чиқиши қилишсин, майли энди. Бунинг учун ҳамма ухлайдиган тун соатлари, “иш қизиб турганда телевизор кўришга бало борми?!” деб номланувчи соатлар ҳам бор. Жуда бўлмаса, зерикарли сарлавҳа остида бериш ҳам мумкин, ёки ўша мақола ёнига жуда ҳам қизиқарли маълумотларни ёки “текин совгалар мавсуми” ҳақидаги хабарни жойлаштириш мумкин.

“Олимлар” ва “журналистлар” антропофилия фойдасига сўз юритиб, “инсоният тарихида бир-бирини еб туриш ҳолатлари жуда ҳам қўп бўлган ва бу нормал ҳолат” кабилидаги фикрларни илгари суришади. Фаол “олимлар”, “муҳбирлар”, “антропофилларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилувчилар” нуфузли халқаро ташкилотларнинг маҳсус мукофотлари билан тақдирланадилар, эл оғзига тушадилар.

Антропофилия мавзуси энди “машхурлик” даражасига эришди. “Овертон ойнаси” ўз ҳаракатида давом этади.

Қонунийлаштириш тарафдорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, бошқа бирорни еб қўйган жиноятчини “инсонийлаштириш” ва унинг учун ижобий образ яратишга урғу берилади. “Улар ижод аҳли, ахир. Хотинини еб қўйибди. Хўш, бунинг нимаси ёмон?”, “Улар ўз қурбонларини чин муҳаббат ила севишади. Еб қўйибдими, демак, севади”, “Билсангиз, антропофилларда IQ даражаси анча баланд бўлади”, “Антропофилларнинг ўzlари жабрланган шахслардир. Уларни бу ишга ҳаёт мажбур қилган”, “Уларнинг айби йўқ, улар шундай тарбия кўрганлар”. Бундай гап-сўзлар кенг омма онгига телевидение, радио, интернет, газета ва журналлар орқали доимий ва тизимли равишда сингдириб борилади.

Сиз фалончи қўшиқчи ёки кино юлдузи антропофил эканини эшитдингизми?”, “Жаҳонга машхур фалончи рассом ёки бастакор аслида антропофил бўлган экан. Бунинг учун у бечорани қамашган ҳам экан”, “Уларнинг қанча-қанчаларини жиннихоналарга тиқиб юборишган экан-а!”, “Фалон ерда илгари бундайларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаришган экан”, “Айтганча, Леди Гаганинг янги “Eat me, baby!” қўшиғини эшитдингизми?”, “Бу йилги “Евровидение” танловида антропофил ғолиб бўлибди. Унга миллионлаб одамлар овоз беришибди!”, “Бизникига янги йил кечаси Қор Бобо кийимида бир антропофил келди.

**Мавзу етарли даражада қизиди. Энди “Овертон ойнаси”ни навбатдаги – олтинчи босқич “давлат сиёсати даражасидаги масала” босқичига силжитса ҳам бўлаверади.**

Юқори давлат лавозимларига бирин-кетин антропофил шахсларни тайинлаш бошланади.

Сиёсатчилар антропофилияни қонунийлаштириш ҳақида ўzlарининг дастлабки чиқишлиарини қила бошлайдилар.

“Антропофилияни қонунийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини таклиф эта бошлайдилар.

Уларнинг иши ОАВда атрофлича ёритиб борилади. Кенг омма онгига “Одам ейишни таъқиқлаш таъқиқланади” тушунчаси сингдирилади.

“Антропофилия ва одам гўштини истеъмол қилиш ҳақида умумжаҳон декларацияси”ни қабул қилиш керак.

“Либерализм”, “демократия”, “сўз ва фикр эркинлиги” яратиб бераётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланишда давом этамиз. “Илғор” фикрлар ва

“замонавий мода”га ҳали ҳам қарши бўлганларни аёвсиз калтаклашда давом этамиз, “қолоқлик”да айблашни кучайтирамиз.

### **Назорат саволлари:**

1. Маданият терминининг мазмун-мохияти.
2. Оммавий (поп) маданият нима?
3. “Popart” нима?
4. Субмаданият нима?
5. Иллатни қадриятга айлантириш механизми нима?
6. Овертон ойнаси нима?
7. “Имкониятлар ойнаси” неча босқичдан иборат?
8. “Имкониятлар ойнаси” қандай босқичларини биласиз?
9. Иллатни қадриятга айлантириш механизмининг Ўзбекистон учун қандай хавф-хатари мавжуд?
- 10.“Имкониятлар ойнаси” технологияси Ўзбекистонда қўлланилиши мумкинми?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.
2. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.
5. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. –359 с.
6. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
7. Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
8. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.
9. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
- 10.[www.Uza.uz](http://www.Uza.uz).
- 11.[www.alorada.uz](http://www.alorada.uz).
- 12.[www.Podrobno.uz](http://www.Podrobno.uz).

**3-амалий машғулот: Маънавий ва мафкуравий тахдидларни аниқлашда тизимли тахлилнинг услуг ва услубиятидан фойдаланган холда қарор қабул қилиш.**

**Ишдан мақсад:** Маънавий ва мафкуравий тахдидларни аниқлашда тизимли тахлилнинг услуг ва услубиятидан фойдаланган холда қарор қабул қилиш бўйича назарий билим ва амалий қўникмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Юқорида биз Ғарбда «оммавий маданият»нинг тарихи, туғилиш манбалари тўғрисида сўзладик. Ҳозир-чи? Ҳозирга келиб эса бу тамойиллар янада ғовлаб, томир отяпти. Масалан, «поп-музыка»га хос ўша ритмик «бит» (зарб), қўшиқ никобидаги алаҳсираш, валдирашга яқин дидсиз «репп»лар таъсири дунё миқёсида тарқалиб, миллий мумтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узоқлаштиromoқда. Ғарб давлатларининг айримларида «оммавий маданият» тарқатаётган «порнография» (шармсизлик, ҳаёсизлик) ҳамда садизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги ғовлар, қарангки, суд қарорлари асосида, бирин-кетин олиб ташланаяпти. Ҳатто АҚШ мактабларида «Янги рок» мусиқалари ўқув дастурларига киритилган...

**Ишни бажарии учун намуна.** Маънавий ва мафкуравий тахдидларни аниқлашда тизимли тахлилнинг асосий услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Умуман, тизимли тахлил методикаси қарор қабул қилувчи шахсда бошланғич босқичда муаммоли вазият тўғрисида уни формал қўринишда тасаввур қилиш услубини танлашга, математик моделни шакллантиришга ёки моделлаштиришга нисбатан ўзида миқдорли ва сифатли усулларни мужассамлаштирувчи янги ёндашувлардан бирини қўллашга имкон берувчи етарли маълумотларнинг йўқлиги ҳолатларида ишлаб чиқилади ва қўлланилади. Шу ўринда қайд этиш керакки, тизимли тахлил бўйича қўлланма бўла оладиган универсал методиканинг ўзи йўқ.

Маънавий ва мафкуравий тахдидларни аниқлашда тизимли тахлилнинг воситалари ва усулларидан ҳамда Энг кенг қўлланиладиган асосий услубларни кўриб чиқамиз.

### **Назорат саволлари:**

1. Глобаллашув нима, қандай маънони билдиради?
2. Иммунитет нима, мафкуравий иммунитет нимани англатади?
3. Ижтимоий тармоқлар нима? Улардан қандайларини биласиз?
4. “Интернет таъсирининг оқибатлари тўғрисида нима биласиз?
5. Таълим муассасалари орқали ёшларни Интернетдаги ижтимоий

тармоқларининг салбий таъсиридан қандай ҳимоялаш мумкин ?

6. Телекоммуникация воситалари орқали ёшларни ижтимоий тармоқларининг салбий таъсиридан қандай ҳимоялаш мумкин ?
7. Ушбу соҳага қаратилган қандай қонунларни биласиз?
8. Яна қандай қонунлар яратиш мумкин?
9. Бу йўналишда ота-оналарнинг вазифалари нимадан иборат бўлиши керак?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.
2. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.
5. Панарин И.Н., Панарина Л.Г. Информационная война и мир. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003. – 382 с.
6. Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. –512 с.
7. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. –359 с.
8. Самаров Р.Ю, Раджабов А... Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). Тошкент, 2010.Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. -P.44-65.
9. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. -P.94-118.
- 10.Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
- 11.Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011 й. -189 б.
12. [www.alorada.uz](http://www.alorada.uz).
13. [www.Podrobno.uz](http://www.Podrobno.uz).
14. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz).
15. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz).

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-топшириқ.** Қуйида берилган кейс билан танишинг ва ундаги муаммони ечимини топинг.

Маънавий таҳдидларга қарши кураш давлатнинг, бирор бир ижтимоий ўюшманинг иши бўлмай, ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бепарволик ва лоқайдлик ўз манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйишдан, худбинликтан, келажак ҳақида қайғурмасликдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ишонмасликдан, қўрқоқликтан келиб чиқади. Жамият келажагини ўйладиган инсон ҳеч қачон теварак-атрофидаги ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмайди. Заарли, ёт жараёнларни фош қиласди, уларга қарши фидойилик билан курашади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.Каримов бу масалани алоҳида таъкидлаган: «*Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларлиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади*»<sup>8</sup>.

Куйидаги кейс - маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатлари юксак бўлиши, кишиларнинг чуқур ва замонавий билим, кенг дунёқарashi, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шакли – юксак маънавиятнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб беришга, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ва уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишига имкон яратади.

Кейсни ечиш жараённида ушбу вазиятни тахлил қилиб, муаммони олдини олиш ва уни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича маънавий тараққиёт мезонлари ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

***Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишига имкон яратади:***

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;

<sup>8</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Маънавият-Т.: 2008.

-ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

## Кейс

### **Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, хушёрлик ва жонкуярлик (Муаммоли вазият)**

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагressия ва СПИД сингари оғатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик никобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

“Менга нима” деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналиқ, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Масалан, икки нафар ўсмир маҳалламида сигарет чекиб туриди. Илгари буни кўриб, “Ие. Нега чекади-я бу болалар”, деб, танбех берардик. Бугун эса тўхтаб, гапиришга иродамиз етмайди. Ичимиздаги худбинлик “Нима қиласман кайфиятимни бузиб. Қўй, индама, менга нима, болага ота-она тарбия берсин”, - деб, бепарволик билан ўтиб кетамиз. Орадан маълум бир вақт ўтгач маҳаллада сигарет чекиб турган болаларнинг сони кўпая бошлади. Виждонимиз қийналиб, болаларга танбех беришга яна ҳаракат қилдик. Ҳозирги ўсмирлар ҳам анойи эмас. Бетга чопарлиги бор. “Нима ишингиз бор. Амакиммисиз, ҳоламмисиз”, дейди. Биз эса, “менга нима”, – деб йўлимизни давом эттирамиз. Чунки ишларимиз жуда кўп, қаергадир шошиляпмиз. Бизнинг гапларимиз ўспирин болаларга ёқмайди. Маълум бир вақт ўтгач, ўспирин болалар секин-аста гиёхванд модда истемол қила бошлашди. Маҳаллада бирин-кетин аянчли фожеалар рўй бера бошлади. Ўғирлик, муштлашишлар, зўравонлик, тартибсизлик... Қаердан келди бу иллат? Ким айбдор? Қўшни хонадонда истиқомат қилаётган бола гиёхванд моддани меъёрдан кўпроқ истеъмол қилганлиги туфайли оламдан ўтди. Орадан яна бир неча кундан сўнг яна фалокат. Қўшни аёлнинг фарзанди муштлашиб, оғир жароҳат олибди. Энди маҳалладошлар инсонийлик ва одамгарчилик ҳақида қайғуриб, қўшнилардан кўнгил сўрашга киришишибди.

Боболаримиз: “Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она” деган, шунга амал қилган. Кўраяпсизми? Лекин нега биз боболар удумига амал қилмадик? Авлодлар ҳақида қайғурмадик. Бошимизга обдан бирин-кетин қулфатлар тушгандан кейингина одамийлик ва инсонпарварлик ҳақида ўйлай бошладик?

Одам қандай қилиб эгоцентрист бўлиб қолади? Ота-онанинг педагог дастидан. Қандай қилиб? Ота-она ўзлари туқкан боласини еру жаҳонга ишонмай бу дунёning марказига айлантириб оладилар. Болага буни (дунёning маркази бўлишни) ўргатишади. Бола нима қилсин? Ўрганади. Бундай ота-оналар тарбиясида: “Фақат менинг боламга яхши бўлиши керак. Болам баҳтли бўлиши керак” деган тамойилга амал қиладилар ва ... қаттиқ адашадилар.

Боласининг истаган, ҳатто истамаган, сўрамаган нарсаларни ҳам уюб ташлашади. Мехнатни, бирорга ғамхўрликни, бошқалар ҳам худди ўзи каби одам эканлиги, уларнинг ҳам ҳурмати, манфаатлари борлигини эслатмайдилар.

Бола боғчасига боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онаси никичалик ғамхўрликни кутади. Кўрмагач талаб қилади. Биринчи учрашув – жамоа билан биринчи тўқнашувга айланди. Йифлайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Жон куйдирмайди. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. “катта бўлса ҳаммаси жойига тушиб кетади”, - деб ўзларини алдайдилар. У катта бўлади. Унга қўшилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтағидан барака кетади. Энди бефойда, кераксиз одамларга айланиб қоладилар.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига, бурчларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. “Мен яхши – ҳамма ёмон” деган қулай ёлғон қобиғига уй қуриб, яшай бошлайди. Шундай қилиб, ота-онанинг, кишиларнинг локайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцетристларни пайдо қилади. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қилса, ўшаларга топширади.

Шу тариқа, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга яхшилик қилиш керак десангиз, “бунинг томи кетибди”, - деб ўйлайди. “Ватанга нима бердинг?” десангиз, у: “Ватаним менга нима берди?”, - дейди ўқрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга “фойдаланса бўладиган ё

бўлмайдиган нарса”, - деб қарайди. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи арасин.

### **Саволлар:**

1. Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони кўтариб чиқкан?
2. Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд?
3. Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли вужудга келган салбий иллатларни ажратиб олинг ҳамда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабаби нимада деб уйлайсиз?
4. Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш йўлларини қандай баён этган?
5. Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин?

### **2-топшириқ. Ассесмент методини қўллаш.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур метода орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти тест олиш, муаммоли вазиятларни ечишни машқ қилишбўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна:** Тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларида олган билим даражаларини ўрганиш, ўзлаштириш даражаларини баҳолаш мақсадида машғулотлар сўнгига ассесмент методини қўллаб, аввалдан тайёрланган тестлар ёрдамида текширув ўтказилиши мумкин.

### **3- топшириқ. Реферат тайёрлаш.**

**Ишнинг мақсади:** “Мафкуравий иммунитет шакллантиришда тизимли тахлил” модулининг асосий тушунча ва таърифларини ўрганиш. Ишни бажариш жараёнида мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг мазмун-мохиятини тушуниш. Мафкуравий иммунитет шакллантиришда тизимли тахлилдан фойдаланиш бўйича малака ва куникма ҳосил қилиш.

**Ишнинг мазмуни:** Тингловчи 5.2. модулдан олган назарий билимлари орқали малака ва кўнималар ҳосил қилиш учун мустақил тарзда реферат тайёрлайди.. Бу унга 1,0, бал беради.

**Ҳар-бир реферат қўйидагиларни ўз ичига олади:**

1. Масаланинг қўйилиши (бунда иш мавзуси ва максади ёзилади);
2. Қўйилган масалани ечиш алгоритмини танлаш (кискача назарий кисм);
3. Масалани ечиш (Гурух журнали тартиб ракамига мос ракамли вариантда мисол);
4. Юқори босқичли алгоритмик тиллардан фойдаланиб масалани ечиш дастурини тузиш;
5. Натижаларни олиш ва уларни таҳлил қилиб, хисоботни тайёрлаш.  
**(Хисоботнинг расмийлаштириш.** 1. Мукова (1 бет). 2. Масаланинг қўйилиши ва назарий кисм (5-6 бет). 3. Топширик вариантига кура мисолнинг ечилиши (1-2 бет). 4. Масалани ечишнинг блок схемаси (1 бет).

## **VI. Мустақил таълим мавзулари**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни. Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил” модулини ўрганувчи қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчилари олган назарий ҳамда амалий билимларини мустахкамлаш учун мустақил таълим вазифасини бажарадилар. Бунинг учун улар қўшимча адабиётлар ва интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда назарий ва амалий машғулотларда ўтилган ва қўйида берилган мавзулар бўйича кейс ечадилар ёки бошқа вазифалар бажарадилар. Кейсларнинг мураккаблик даражасини юқори бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### **Мустақил таълим мавзулари:**

- Ахборот хавфсизлиги тушунчасининг мазмун-мохияти нима?
- Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги таҳдидлар классификацияси.
- Мафкуравий хавфсизликнинг мазмун-мохияти.
- Маънавий хавфсизликнинг мазмун-мохияти.
- Диний экстремизм ва терроризмнинг мазмун-мохияти.
- Мафкуравий қўпорувчиликнинг мазмун-мохияти.
- Амалий вазифаларни ҳал этишда ТТдан фойдаланишининг қандай босқичларини кўрсатиш мумкин?
- Оммавий маданият миллий маданиятга таҳдид сифатида.
- Ёшлар орасида учрайдиган оммавий маданиятнинг Ўзбекистондаги холати.
- Флешмоб акциялари: мазмун-мохияти, тарихи, ривожи, Ўзбекистонда тарқалиши.
- Глобаллашув шароитида ахборот соҳасида бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши ёшларнинг онгига мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари.
- Халкаро интернет тармоғи оркали ёшларнинг онгига бўлаётган таҳдидлар, уларнинг тавсифи.

**VII. ГЛОССАРИЙ.**  
**“Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил”**  
**модулининг асосий тушунчалари ва атамалари**

<b>Инглиз тилида</b>	<b>Рус тилида</b>	<b>Ўзбек тилида</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>
information	информация	ахборот	Шахс, предмет, воқеа, ходиса, жараёнлар ҳақида, олинган манбасидан ва шаклидан қатъий назар маълумот
information security	Защита информации	Ахборотни химоя қилиш	Ахборотни химоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар.
information security	Информационная безопасность	Ахборот хавфсизлиги	Шахс, жамият ва давлатнининг ахборот соҳасидаги манфаатларининг химояланганлик даражаси.
idea	идея	ғоя	Тафаккур махсули бўлиб, инсонлар ва жамиятнинг рухиятига таъсир қилувчи, ички дунёсига кириб, уни харакатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи фикр.
ideology	идеология	мафкура	Муайян ижтимоий гурух ё катламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғояллар, уларни амалга оширишнинг усул ва воситалари тизимиdir.
culture	культура	маданият	Кишилик жамияти ёки бирор халқнинг ишлаб чиқаришида, ижтимоий ва маънавий хаётидаҳаётida

			эришган ютуқлари.
Pop culture	Массовая культура (попкультура )	Оммавий маданият	<p>Ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган, Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланган, туб мазмун-маъносига, мақсадниятига кўра чинакам маданиятга қарши бўлган маданият турлари.</p> <p>Мутахассисларнинг фикрича, ҳали илм-фанда «антикультура» («файримаданият») деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун «оммавий маданият» тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. «Оммавий маданият» шу боисдан, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятни, санъатни, инкор этади.</p>

balance	Идеологическая безопасность	Мафкуравий хавфсизлик	Муайян давлатда яшовчи ахолининг мохиятган ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши туроилишини таъминланганлик холати
Threat of Information security	угрозы информационной безопасности	ахборот хавфсизлиги соҳасидаги таҳдидлар	Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги миллий (шахс, жамият ва давлат) манфаатларга бўлган таҳдидлар
endurance	Экстремизм, религиознӣ экстремизм	Экстремизм, диний экстремизм	Ўта ўрг (ёки сўл) қарашлар ва кескин чоралар тарафдори бўлган оқим. Динда бундайларга “Хезб-ут таҳрир”, “Акромийлар”, “Воҳобийлар” ва бошқалар киради.
terrorism	терроризм	терроризм	Ёвуз мақсадлар йўлида куч ишлатиб одамларни гаровга олиш, ўлдириш, ижтимоий объектларни портлатиш, қўрқув ва вахимага солишдан иборат бўлган хатти-харакатларга асосланган зўровонлик тури.
globalization	глобализация	глобаллашув	Турли мамлакатлар, давлатлар ва халқларнинг иқтисоди, маданияти, маънавиятининг, одамлар ўртасидаги ўзартасири ва боғлиқликнинг кучайиб бориши

## **VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил
3. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. 2017 йил
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз.2017 йил
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

### **Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулъмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. - Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Атаев М.И. Замена мировоззрения как основная цель информационно-психологической войны // Сборник Высшей школы «Таҳлил ва истиқбол». – Т., 2006. – № 8. – С. 4-8.

2. Тошбоев О. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни. // Тафаккур. – Т., 2007. – № 1. – С. 16.

3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. – 160 б.

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 612 б.

5. Панарин И.Н., Панарина Л.Г. Информационная война и мир. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003. – 382 с.

6. Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. – 512 с.

7. Шерстюк В.П. Информационная безопасность в системе обеспечения национальной безопасности России, федеральные и региональные аспекты обеспечения информационной безопасности / Развитие информационного общества в России. Том 1. – М., 2004. –359 с.

8. Самаров Р.Ю, Раджабов А..Сиесий матн таҳлили. (методология, назария, амалиёт). -Тошкент, СТИБОМ, 2010. -266 б.

9. Антонов А.В. Системный анализ М.2002

10. Ожиганов Э.Н.Стратегический анализ политики: Теоретические основания и методы М.2006

11. Мировая политика :теория, методология, прикладной анализ. М.2002

12. Гараедаги Дж. Системное мышление: как управлять хаосом и сложными процессами. Минск, 2007.

13. Хоффер Дж.А., Джордж Ж.Ф., Валачич Ж.С. Современный системный анализ и проектирование. – США.: Пиарсон эдукатион, 2002.

14. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов,

- С.В. Егерев, А.Ю. Щербаков; [отв. ред. А.И. Ракитов]. - М., 2009. - 448 с.
15. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений.: Учебное пособие. -СПб. Изд-во СПб ГТУ, 2001. - 206 с.
16. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. -СПб. Изд-во СПб ГТУ, 2003. - 510 с.
17. Вопросы анализа и процедуры принятия решений: Сб. статей. /Пер. с англ, под ред. И.Ф. Шахнова. - М.: МИР, 1976. -228 с.
18. 11. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004. -616 с.
19. С.Жўраев, А.Хасанов... Илмий тадқиқот методологияси. Т.2014.
20. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
21. Methods of Teaching. Course Gulde. Associate Degree in Education B.Ed.(Hons) Elementary. 2012. 44-65.
22. Technologies for education. Wadi D. Haddad, A.Draxler. 94-118.
23. Ишмуҳамммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010.
24. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. Т.: Фан. 2011 й. 189 б.
25. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
26. [www.edy.uz](http://www.edy.uz).
27. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz).
28. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz).
29. [www.alorada.uz](http://www.alorada.uz).
30. [www.podrobno.uz](http://www.podrobno.uz).